УзССР Давлат китоб палатаси

Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 191 (8. 389) ◆ 1993 йил 26 октябрь, сешанба ◆ Сотувда эркин нархда

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 октябрь куни Франциянинг «Франс Пресс» агентлиги мухбири Мино Рад, «Либерасьон» газетаси мухбири Андре Марк Брюнеро ҳамда Мексика Қўшма Штатларининг «Телевиса» телевидениеси мухбири Элен Хирш Лабревени илтимосларига кўра қабул қилди.

Президент Ислом Каримов франциялик ва мексикалик мухбирларга мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий вазият, амалга оширилаётган ислоҳотлар, дунё мамлакатлари билан йўлга қўйилаётган муносабатлар тўғрисида сўзлаб берди. Уларни қизиқтирган барча саволларга муфассал жавоб қайтарди. Бу суҳбат Ўзбекистон Республикаси Президентининг Францияга расмий сафаридан олдин ўтказилгани француз халқининг мамлакатимизни янада яхшироқ билиб олишига ёрдам беради, деб умид билдирилди.

(ЎзА).

Ўзбекистонда БМТ ваколатхонаси очилди

24 октябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кунига ҳамда Ўзбекистонда БМТ ваколатхонасининг расмий очилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. БМТнинг республикамиздаги доимий вакили Холид Малик ваколатхонага ажратилган кўркам бино ҳамда эътибор учун Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига миннатдорлик изҳор этди.

Ваколатхонанинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

— Гўзал Тошкент шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ваколатхонаси очилаётгани катта тарихий воқеадир,— деди Ислом Каримов.— Бу тарихий воқеа умумжаҳон ташкилоти тузилган кунда рўй бераётгани алоҳида эътиборга молик. Ўзбекистон ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ҳозирги жўшқин, зиддиятли даврда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг дунёда тинчлик ва хавфсизлик йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. Бу нуфузли ташкилот Марказий Осиё минтақасида барқарорликни таъминлаш мақсадида семинар чақиради, деб умид қиламиз. Республикамиз пойтахти Тошкент унга муносиб жой бўла олади.

Ваколатхона олдида Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси садолари остида БМТ байроғи кўтарилди. Шундан сўнг меҳмонлар ваколатхона биносида Шимолий Афғонистон ҳақидаги суратлар кўргазмаси, туркман миллий гиламдўзларининг ишлари, Ўзбекистон амалий санъати намуналари ва бошқа кўргазмалар билан танишдилар, ўзбек халқ қўшиқларини тингладилар.

Ваколатхонанинг расмий очилиш маросимида давлат ва жамоат ташкилотлари, хорижий давлатларнинг республикамиздаги элчихоналари вакиллари иштирок этдилар.

(ЎзА).

Маҳсулотларни қадоқлаш ва жойлаш тажриба конструкторлик бюросида кўп йиллардан бери самарали меҳнат қилиб келаётган ишчилар анчагина. Шулардан бири фрезерчи Сергей Ешковдир. Айни пайтда у ўз ишига масъулият билан ёндошиб бир неча шогирдларни ҳам касбига ўргатмоқда.

Виктор Евтропов сурати.

Шинам турар жойлар

«ТОШШАҲАРИЎЛОВЧИТРАНС» Давлат уюшмаси корхонаси пойтахтимизда аҳолига транспорт хизматини янада яхшилаш йўлида изланиб, қатор ибратли тадбирларни амалга ошириб келмоқда. «Намунали хизмат кўрсатиш йўналиши», «Энг яхши ҳайдовчи» танловларини ўтказишга киришилгани ҳам нур устига нур бўлди.

Корхона ишчи-хизматчиларини ижтимоий ҳимоялаш борасида ҳам кўп иш қилинмоқда. Шу йилнинг ўзида уч миллион сўмлик маблағ ана шу хайрли ишларга сарфланди. Турар жой бинолорини қуришга ҳам эътибор кучайтирилди. Қисқа вақт ичида 198 квартирали турар жой биноси фойдаланишга топширилди.

Уюшма маблағи ҳисобига яна қатор қурилишлар олиб борилмоқда. Пойтахтнинг Сергели туманида қад кўтарган кўп қаватли уйларга бир неча оила кўчиб кирди.

Бундан ташқари Тошкент шаҳрининг марказида 100 оилага мўлжалланган турар жой биноси жадал қад кўтармоқда. Уюшмага қарашли 2-автокомбинат жамоаси ҳам бу борада ибратли ишларга қўл урди. Корхона ўз ишчи-хизматчилари ва ҳайдовчиларига 32 оилага мўлжалланган уйни тортиқ қилди.

Азиз АКРОМОВ.

«БОЛАЛАР НИГОҲИ БИЛАН»

БОЛАЛАР бадиий ижодкорлиги республика марказида очилган навбатдаги кўргазма ёш рассомлар асарларидан ташкил топди. «Болалар нигоҳи билан» деб аталган мазкур расмлар экспозициясига иқтидорли ёш рассомлар томонидан илҳом билан чизилган 150 га яқин қизиқарли картина қўйилган.

Шуниси қувонарлики, ушбу кўргазмани тайёрлашда Янги зеландиялик ва Ўзбекистонлик ўқувчилар чизган картиналар асос қилиб олинди. Гап шундаки, Самарқанд ижодкор ёшлари Янги Зеландия ўқувчилари билан кўпдан бери хат орқали ўзаро ёзишиб туришади. Бу дўстлик ёзишмалари улар ўртасидаги ижодий алоқаларни ҳам йўлга қўйиш учун имкон туғдирди.

«Самарқандга йўл» деб аталган ижодий танлов ўтказиш ғояси ҳам шу жараёнда юзага келди. Бу таклиф Янги Зеландиядаги Окленд шаҳри ўқувчиларини янги расмлар чизишга илҳомлантириб юборди.

Шу изланиш давомида бир неча қизиқарли расмлар юзага келди. Шуниси диққатга сазоворки, бу ижод намуналари орасида оклендлик ёш рассомларнинг қадимий ва гўзал Самарқанд манзараларига доир асарлари ҳам бор эди.

Ушбу асарлардан тузилган кўргазма дастлаб Окленд шаҳридаги бадиий галереяда муваффақиятли намойиш қилинди. Кейинчалик бу расмлар Самарқандга юборилди.

Шу орада «Болалар нигоҳи билан» деган катта бадиий кўргазмани очиш тараддуди бошланди. Бу ишга болалар бадиий ижодиёти республика маркази бошчилик қилди. Ушбу экспозицияда Окленд бадиий галереясида намойиш қилинган кўргазма асарларига ҳам кенг ўрин берилди. Ўзбекистон вилоятларидан олинган болалар расмлари ҳам экспозицияга қўйилди.

«Болалар нигоҳи билан» деган катта кўргазма шу тариқа юзага келди. Кўргазма экспонатлари томошабинлар томонидан қизиқиш билан кутиб олинди.

Алишер ҚОСИМОВ.

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

● Самарқандда «Имом-ал Бухорий ҳаёти ва даври» мавзуида ўтказилган халқаро анжуман ниҳоясига етди. Унда АҚШ, Буюк Британия, Франция, Россия, Ҳиндистон, Миср, Саудия Арабистони, Малайзия, Катар, Бруней ва бошқа давлатлардан келган олимлар, уламолар иштирок этдилар.

● «Узэкспомарказ»да Тинч океани минтақаси кўргазмалар уюштириш комитети билан ҳамкорликда «Тошкент—93» халқаро кўргазмаси очилди. Унда Япония, Индонезия, Ҳиндистон, Швейцарияда ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмоли моллари намойиш этилмоқда.

● Пастдарғом туманида Самарқанддаги «Садаф» ишлаб чиқариш-ташқи савдо бирлашмаси Австриянинг «ФМВ» бирлашмаси билан ҳамкорликда шакар заводи қурилишини бошлади. 1996 йил кузида ишга тушадиган бу корхонада дастлаб йилига 20 минг тонна маҳсулот тайёрлаш мўлжалланмоқда. Келгусида унинг қуввати 2-3 баравар оширилади.

ҲАМДЎСТЛИКДА

● Ўзбекистоннинг Москвадаги элчихонасида «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатга оид янги ташаббуслари» мавзусида Россия ва чет эл журналистлари учун брифинг ўтказилди. Унда Ўзбекистонинг Россиядаги фавқулодда ва мухтор элчиси Юсуф Абдуллаев Президент Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси сессиясида сўзлаган нутқида ташқи сиёсатга оид илгари сурилган янги ташаббуслар хусусида ахборот берди.

● Бугун Москвада Россия билан Қозоғистон пул тизимларини бирлаштириш тўғрисидаги шартнома имзоланади.

● Ҳамдўстлик давлатлари бўйлаб сафарини давом эттираётган АҚШ давлат котиби Уоррен Кристофер Минскка келди. У Беларусь раҳбарлари билан музокаралар ўтказади.

● Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кенгаш раиси, Швеция ташқи ишлар вазири Маргарет Ульбас хоним Озарбайжонга келди. Бу ерда у Тоғли Қорабоғ муаммосини ҳал этиш юзасидан музокаралар олиб боради.

● Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов миллий валюта — манат жорий этилиши муносабати билан 30 октябрь куни мушакбозлик ўтказиш тўғрисида фармон чиқарди.

● Қрим парламенти мухтор республика президенти сайловини ўтказиш юзасидан қонун қабул қилди.

● Грузиянинг ҳукумат қўшинлари кеча аввал собиқ президент Звиад Гамсахурдиа тарафдорлари эгаллаган Поти шаҳрини яна қўлга олдилар.

● Эрон Президенти Акбар Ҳошимий Рафсанжонийнинг Қозоғистонга расмий сафари ниҳоясига етди. Бу ташриф давомида икки мамлакат ўртасида иқтисодиёт ва маданият соҳаларида ҳамкорлик қилиш юзасидан ҳужжатлар имзоланди.

ХОРИЖДА

● Америка Қўшма Штатлари маъмурияти расмий равишда Ироқни собиқ президент Жорж Бушга суиқасд тайёрлашда айблаб, хато қилганликларини маълум қилди. Ироқ мана шу суиқасдни режалаштиришда айбланиб, АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари томонидан бомбардимон қилинган эди.

● Парижда ЮНЕСКО 27-Бош ассамблеяси очилди. Унда 179 давлатдан келган 2000 дан кўпроқ вакил иштирок этяпти.

● Германияда ўтказилган сўровлар мамлакат аҳолисининг 57 фоизи пойтахтни Бонндан Берлинга кўчирилишига қарши эканлигини кўрсатди.

● Мисрда чиқадиган «Ал Вафд» газетасининг ёзишича, Араб давлатлари лигасига кирадиган мамлакатларнинг 240 миллион аҳолисидан ярми ўқиш ва ёзишни билмас экан. Саводсизлик бу давлатлар аёллари ўртасида 63 фоизни ташкил этади.

● Исроил маъмурлари фаластинликларни Исроилга келишлари учун етти ой давомида қўлланилган тақиқни бекор қилдилар. Эндиликда Иордан дарёси ғарбий соҳили ва Ғазо секторида истиқомат қилувчи, 40 ёшгача бўлган аёл ва эркак ҳамда 16 ёшгача бўлган болалар Исроилга бирор чеклашларсиз келишлари мумкин.

* Ўзбекистон—Украина

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Анатолий Возненко бошчилигидаги делегациянинг Киевга сафари Украина ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматлари ўртасида 1994 йилда савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани тасдиқлаш ва банкларо шартномани имзолаш билан якунланди.

Икки давлат бож ва солиқ олмай, АҚШ доллари ҳисобида жаҳон нархлари бўйича бир-бирларига ўзаро маҳсулот етказиб бериши тўғрисида келишиб олинди. Имзоланган икки томонлама ҳужжатларга мувофиқ Украина Ўзбекистонга металл, қанд, кимё ва енгил саноат маҳсулотлари етказиб беради. Ўзбекистон эса Украинани пахта, мис, рух, машинасозлик маҳсулотлари ва бошқа нарсалар билан таъминлайди. Ўзаро маҳсулот етказиб беришнинг умумий ҳажми 1994 йилда 310 миллион долларни ташкил этади.

Ҳужжатлар имзоланганидан кейин, Анатолий Возненко маҳсулот етказиб беришнинг келишилган ҳажмлари ҳар икки томонни қаноатлантиради, деб таъкидлади. Ҳозир масаланинг энг қийин жиҳати миллий валюталарнинг турли қийматларини эътиборга олган ҳолда ҳисоб-китоблар механизмини йўлга қўйишдир. Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, шунингдек, республикамиз Украинага маҳсулот етказиб бериш ва ўз бозорини Украина моллари билан тўлдиришдан манфаатдор эканлигини таъкидлади.

Украина Бош вазирининг ўринбосари Валентин Ландик Ўзбекистон Республикаси делегацияси сафари якунларига юксак баҳо бериб, ўзаро муносабатларни ривожлантириш ҳар икки томон учун фойдалидир, деб таъкидлади.

Игорь ГРУШКО,
ЎзА мухбири.

Киев шаҳри.

* Обуна—94

ЎЗЛАРИ ЁЗИЛИШАЯПТИ

БОЗОР иқтисодиёти муносабати билан ҳамма нарсаларга бўлгани каби газета ва журналларни чиқариш жараёнида қўлланиладиган қоғоз, бўёқ ва бошқа маҳсулотларнинг нархи ошиб кетди. Табиийки, матбуот нашрларининг кейинги йил обунасининг нархи ҳам анча кўтарилди.

— Лекин ишчи ва хизматчилар ўзлари севган газета ва журналларга ёзилишаяпти, — дейди «Шарқ гули» бадиий буюмлар бирлашмасининг касаба уюшмаси раиси Матлуба Умарова. — Корхонамизда айниқса «Тошкент оқшоми»га қизиқиш кучли. Чунки ундаги «Сиҳат-саломатлик», «Томорқа», «Назокат» саҳифалари ҳамда «Қиш тайёргарлиги ёқтиради», «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз» рукнлари остида берилаётган мақолалар биз учун жуда қизиқарли. Масалан, «Бугунги кун нафаси» рукни остида ҳар куни берилаётган қисқа-қисқа хабарларнинг ўзидан киши бутун бир дунё янгиликларини ўқиши мумкин.

Ҳозиргача корхонада «Тошкент оқшоми»га обуна бўлганларнинг сони 20 тадан ошиб кетди. Цех бошлиғи Алишер Мирсоатов, ҳисобчи Фая Бабаярова, попон цехининг назоратчиси Назира Мажидова, тикувчи Ойжамол опа Авазовалар шулар жумласидандир. Бу ерда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, юқоридаги номлари зикр этилган ва бошқа кўплаб ишчи-хизматчиларимиз мазкур газетанинг кўп йиллик мухлисларидир. Шунинг учун улар бу газетага ўз ҳисобларидан обуна бўлишди.

Шунингдек, корхонада ишчи-хизматчиларнинг кам ҳимояланган қисмини касаба уюшма ҳамда маъмурият томонидан ёрдам сифатида обуна қилишга ҳам ҳаракат қилинаяпти.

Гулом ЮСУПОВ.

* Сўз—фестиваль қатнашчиларига

САНЪАТ САРҲАД БИЛМАЙДИ

Шаҳримизда «Театр: Шарқ—Ғарб» Халқаро фестивали муваффақият билан давом этмоқда. Шу муносабат билан анжуман қатнашчилари ва меҳмонлари билан суҳбатда бўлдик.

● **Ринат ТАЗЕТДИНОВ, Татаристон халқ артисти, республика театр арбоблари уюшмасининг раиси:**

— Иқтисодий қийинчиликлар даврида ҳам театрнинг тақдирини, халқнинг маънавиятини ўйлаб, фестивални ўтказишга хайрихоҳ бўлган барча бағри кенг раҳбарлару ҳомийларга ташаккур айтиш лозим. Чунки мана шундай йирик анжуманлар орқали дунёга танилиш ва жаҳонни таниш мумкин.

Ҳар қандай оғир шароитда ҳам биз санъатни қадрлаб, унга содиқ қолсак, ўзимиздан кейинги авлод учун каттадан-катта мерос қолдирган бўламиз. Бу меросни на пул билан, на тилло билан тенглаб бўлади.

Оддий бир мисол: ҳамкасблар билан учрашиб иш ўрганиш ва тажриба алмашиш мумкин, ижодий баҳслар давомида дўстлар муваффақиятидан илҳом олиб ёки камчиликларни бартараф этиш учун таклиф-мулоҳазалар олиб яна ишга киришилади.

Мана, биз Тошкентга келиб нафақат Шарқ, балки Ғарб мамлакатлари йирик театр жамоаларининг ишлари билан танишамиз. Ўзимиз тайёрлаб келган «Емирилган бахт» спектаклини намойиш этамиз. Яна Ўзбекистонда яшаётган татар халқи учун махсус концерт дастурини ҳам тайёрлаб келганмиз.

Баҳор ойларида Ашгабатда бўлиб ўтган «Наврўз» Халқаро фестивали ва олтич куз фаслида Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкентда ўтаётган «Театр: Шарқ—Ғарб» Халқаро фестивали жаҳон халқлари учун маданий кўприк вазифасини ўташи шак-шубҳасиз.

Яхши ният, — ёрти мол, дейдилар. 1995 йилда мана шундай Халқаро анжуманлардан бирини бизнинг юртимизда ўтиши учун таклиф билдирдик. Насб қилса, бундан буёғига тез-тез учрашиб турамиз.

● **Тўра МИРЗО, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг котиби, шоир ва драматург:**

— Қашқадарё вилоят театри «Амир Темур» номли пьесамни саҳналаштириб Ўзбекистон мустақил бўлган кун — 1991 йил 1 сентябрда премьерасиз бўлиб ўтганди. Фестивалга ҳам шу пьесани мукаммал равишда қайтадан тайёрлаб олиб келишибди. Ушбу анжуманда менинг ҳам ҳиссам борлигидан жудаям мамнунман.

Фестивалнинг бундай кенг қулоч ёзиб, бутун ер курраси меҳмонларнинг ташриф буюриши ҳам, анжуманнинг БМТ ва ЮНЕСКО тасарруфида ўтаётгани ҳам истиқлол шарофатидандир. Бу кунларнинг қадрига етиш керак. Мустақил республиканинг фуқароси эканлигимиздан, бизни жаҳон таниб бошлаганидан, ўзбек миллий маданияти довруғини дунёга ёйдиган Халқаро фестивалнинг Тошкентда ўтаётганидан фахрланмоғимиз лозим.

● **Глеб ГОЛЕНДЕР, «Илҳом» театр-студияси актёри:**

— Театрда иш бошлаганимга ҳали кўп бўлгани йўқ. Анжуманга устозлар баҳо беришади. Мен эса бир нарсани ишонч билан айтаман: фестиваль маънавий камолот сари етаклайди.

Мирза РАҲИМ ёзиб олди.

● **СУРАТДА: «Театр: Шарқ—Ғарб» Халқаро фестивалидан лавҳа.**

Виктор Багаев сурати.

ФЕСТИВАЛЬ КУНДАЛИГИ

26 ОКТЯБРЬ. СЕШАНБА.

ЎЗБЕКИСТОН — ЮГОСЛОВИЯ. А. Адан. «Жизель». Алишер Навоий театри биносида. 18.30.

ЎЗБЕКИСТОН. Ш. Ризаев. «Искандар» А. Ҳидоятов номли театрда. 18.00.

27 ОКТЯБРЬ. ЧОРШАНБА.

ОЗАРБАЙЖОН. Боку ёш томошабинлар театри. К. Асланов. «Туш асирлари». Рус ёш томошабинлар театрида. 12.00.

ЎЗБЕКИСТОН. М. Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқали драма театри. Т. Мирзо. «Амир Темур». Ҳамза театри биносида. 12.00.

Шарқ халқларининг рақс ва мусиқа санъати. «Туркистон» саройида. 18.00.

ФИНЛЯНДИЯ. Пекало Потти Пандора Стейж театри. К. Хурмеринт. «Камолия тутган хоним». М. Горький номидаги театр биносида. 18.00.

ЎЗБЕКИСТОН. «Илҳом» театри. К. Гоцци. «Бахтли гадолар». 18.00.

ОТАХОННИНГ НИЯТИ

ВАҚТЛИ матбуот нашрларига обуна давом этмоқда. Ҳамшаҳарларимиз газета, журналлар билан савдо қилувчи дўкончалар, тармоқ алоқа бўлимларига бориб ўзлари севган, қизиқиб мутолаа қиладиган нашрларга 1994 йил учун обуна бўлмоқдалар. Уларнинг орасида севимли газетамиз «Тошкент оқшоми»га ёзилаётганларни ҳам тез-тез учратиш мумкин. Шундайлардан бири Шайхонтоҳур тумани, Мискин маҳалласида истиқомат қилувчи 70 ёшли Баҳром ота Ахроровдир.

— «Тошкент оқшоми» менинг энг севимли газетам, — дейди отахон. Унга чиқа бошлагандан бери ҳар йили обуна бўламан. Бирор йил йўқки, хонадонимизга «Оқшом» келмаган бўлса. Ўзимизга маълум, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида нарх-наво кўтарилиб, хоҳлаган нашрларнинг ҳаммасига обуна бўлишнинг имкони бўлмай қолди. Шунинг учун биз оила аъзоларимиз билан келишиб «Фан ва турмуш» ва «Сиҳат-саломатлик» журналларига ҳамда газеталардан «Тошкент оқшоми»га обуна бўлишга қарор қилдик. Чунки унда турли қизиқарли мақолалар, дилкаш суҳбатлар, рангбаранг воқеалар босилади. Айниқса, шаҳримиз тарихига оид, миллий урф-одатларимизга, одоб-ахлоққа доир мақолалар менга жуда ёқади. Шунинг учун «Оқшом»га обуна бўламан. Охиригача унинг доимий мухлиси бўлиб қоламан. Нафақат мен, шунингдек бизнинг Мискин маҳалламиздаги кўпгина кексалар ҳам «Тошкент оқшоми» газетасига обуна бўлишга қарор қилдилар.

Назира СОДИҚОВА.

ҲИММАТИНГИЗГА БАЛЛИ!

БОЗОР иқтисодиёти шароитларида ҳам ҳиммати баланд кишилар жуда кўп. Бундай инсонлар зиёга ва маънавиятга ташна бўлган кишилардир. Буни биз газета ва журналларга обуна бўлаётган ҳамшаҳарларимиз мисолида яққол кўриб турибмиз. «Шарқ гули» бадиий буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам, Мискин маҳалласида истиқомат қилувчи 70 ёшли Баҳром ота Ахроровга ўхшаш нуронийларимиз бу фикримизга мисол бўлишади. Бинобарин меҳнат жамоаларида ҳам, маҳаллаларда ҳам «Оқшом» газетасининг ўз ўрни ва муштарийлари борлигидан биз севинамиз. Ана шунга яраша газетани 1994 йилда ҳам янада сермазмун ва қизиқарли чиқариш режаларини тузаётганлигимизни шу кунларда «Оқшом»га обуна бўлаётган муштарийларимизга эслатиб ўтмоқчимиз.

Келгуси йилда ҳам «Тошкент оқшоми» ҳафтасига беш марта чиқади. Шу кунларда унга фақат Тошкент шаҳрида эмас, балки республикамизнинг ҳамма бурчакларидаги алоқа бўлимларида ҳеч чеклашларсиз обуна қабул қилинмоқда. Обуна баҳоси эса қуйидагича:

● БИР ОЙГА — 1885 СЎМ.
● УЧ ОЙГА — 5655 СЎМ.
● ОЛТИ ОЙГА — 11.310 СЎМ.
● БИР ЙИЛГА — 22.620 СЎМ.

«Тошкент оқшоми»нинг индекси 64690. Қадрли муштарийлар, «Оқшом» — Сизнинг газетангиз. Шунинг учун унга ўз вақтида обунани расмийлаштиришга шошилинг!

** Нон—ризқ-рўзимиз*

Аҳоли дастурхонига

ОИЛАДА, яъни рўзғорда жамғариладиган маблағнинг анчагина қисми нон учун сарфланиши ҳеч кимга сир эмас. Агарда дастурхонимизда ҳамма нарса тўкин бўлсаю, лекин нон бўлмаса унинг ўрни билиниб туради. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз «Нон азиз, увоғи ундан ҳам азиз» деб бежиз айтишмаган.

«Тошкентнонмаҳсулотлари» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 1-нон корхонаси меҳнаткашлари ҳам ҳамшаҳарларимиз дастурхонидан нон узилмаслиги учун фидойилик билан меҳнат қилишмоқда. Корхонада 300 киши меҳнат қилади. Уларнинг кучи билан бу ерда тўрт хилдаги нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Цехларнинг иш фаолияти билан танишар эканмиз ҳамроҳимиз — директор ўринбосари Валентина Петровна Добребнова қуйидагиларни бизга билдирди.

— Корхонамиз иш фаолиятини 1929 йилдан бошлаган. Олтмиш тўрт йил давомида неча-неча минглаб тонна нонларни эл дастурхонига етказиб бердик. Жамғарилган маблағлар ҳисобига 1964 йилда 800 тонна унни сақлай оладиган махсус омборхона қуриб битказилди. Ишлаб чиқарилаётган нон маҳсулотларимизнинг тури ҳозирча тўртта — буханка нон, патир, батон нон ва Олтой рожкиси. Уларнинг сифати ва миқдор ҳажми ҳамиша назоратчиларимиз томонидан текшириб борилади...

Даставвал булка цехини кўздан кечирдик. Иссиқ печлардан чиқаётган нонларнинг хушбўй таъми димоққа урилди. Бизни қарши олган цех устаси Ниғматилла Абдуллаев тайёр бўлган нонларни саралашга кўмаклашарди. Иш тиғиз бўлишига қарамай уни суҳбатга тортдик.

— Цехимиздаги мавжуд бешта печлар кўп йиллардан бери ишлатилади. Уларнинг ҳар бирида 8,5—9 тоннадан маҳсулот тайёрланади. Жамоамизда 21 киши меҳнат қилади. Ўзим эса 25 йилдан буён айнан шу цехда ишлайман. Жуда кўплаб ёшлар олдин бизда меҳнат қилиб, тажриба тўплаб кейин бошқа цехларга ўтиб ишлашади. Ҳозир ҳам цехимизнинг асосий кучини ёшлар ташкил қилади. Улар орасида хамиртуриш тайёрловчи Мунира Аминова, хамир қорувчи Нағима Заурбоева, тахловчи Жамол Абзалов, қолипларни мойловчи Шоира Шоаҳмедовалар бошқаларга ўрнак бўлиб меҳнат қилишмоқда.

Патир нон цехига кирганимизда бу ердагилар кўпроқ Мавлуда Нурматова ҳақида илиқ фикрларни билдиришди.

— Мавлудани ҳаммамиз ҳурмат қиламиз. Чунки у ҳар бир ишни биз кутгандан ҳам зиёда қилиб бажаради, — дейди мураббий уста Феликса Гутовская. — Жамоамизда 10 киши меҳнат қилади. Ҳар сменада 9—10 минг дона патир нон ёпамиз. Турли миллатдан таркиб топган жамоамизнинг барчаси ёшлардан иборат. Улар мен учун ўз фарзандларимдай. Бир-биримизни жуда ҳурмат қиламиз. Ҳилола Нурмуҳаммедова, Дилфуза Муҳамадалиева, Сафура Хайрова, Сайёра Еренбетовалар ҳамиша касбдошларига ўрнак кўрсатиб ишлашади. Олаётган маошларимиз ҳам етарли. Лекин баъзида айниқса печь ёнида туриб меҳнат қилаётганларга гоҳо берилаётган маошлар камми, деб ўйлаб қоламан.

Корхона йил ўн икки ой давомида тўхтовсиз ишлайди. Иш уч сменада ташкил этилган. Новвойлар йил бошидан буён нон ва нон маҳсулотлари ҳажмини ва белгиланган режаларни ортиғи билан адо этишмоқда. Ўтган тўққиз ой давомида нонбулка маҳсулотлари режага қўшимча 2468 тонна, биринчи навли нон 2387 тонна, патир 53 тонна, батон нон 23 тонна, Олтой рожкиси 4 тонна тайёрланди ва эл дастурхонига етказиб берилди.

Корхона қошида «Иссиқ нон» дўкони очилган. Меҳнаткашлар бу ердан новвойлар томонидан тайёрланган сифатли ва мазали нонларни севиб харид қилишади.

Гулзода МАМБЕТОВА,
«Тошкент оқшоми» мухбири.

● Яқинда Тошкентга америкалик ватандошимиз Абдураҳмон Юсуф ташриф буюрди. Жамоатчи мухбиримиз тақдир тақозоси билан саргардонлик уқубатларини тортган мураккаб тақдир эгаси Абдураҳмон Юсуф билан ўзбеклар одатича бир пиёла чой устида ширингина мулоқот қурди.

** Хориждаги ўзбеклар*

Абдураҳмон ЮСУФ:

«ЮРТИМНИНГ ГЎЗАЛЛИГИ МАФТУН ЭТДИ»

— Муҳтарам меҳмон, хуш келибсиз юртимизга! Тошкентга келганингизга 3—4 кун бўлибди. Сизнинг қалбингизда кечаётган соғинч, ҳис-ҳаяжон ҳали қониқиш топмаган, чамамда.

— Албатта. Мендаги бу ҳаяжон сафарга тараддуд даврида бошланган. Ватанга борсам, мени қандай кутиб олишади, шунга ўхшаш ўй-хаёллар мени сира тинч қўймасди. Тошкентда самолётдан тушаяпман-у қувонч, ҳис-ҳаяжон «Ассалом, Туркистоним», «Ассалом, халқим» деб ҳайқиргим келади. Ўша дамда менинг кўнглимдан кечган ҳаяжонни сўз билан таърифлаб бўлмайди. Ахир мен бу унутилмас дамларни 50 йилдан ортиқ кутдим.

— Ҳаммамизга маълумки, бугунги кунда хорижда яшайдиган ҳаммиллатлар Ватанни бесабаб тарк этишмаган. Сабабини сўраганимизда, улар адоқсиз мунгли достонни сўзлаб беradилар...

— Бермоқчи бўлган саволингизни тушундим. Биласизми, ўтган йиллар мобайнида дилимизни тилкапора этган ҳижрон, бошимизга тушган кулфат ва тазйиқлар, саргардонликни эслаш хорижда яшовчи биз туркистонликлар учун оғир бўлса керак. Лекин Оллоҳга шукрлар бўлсинким, бугунги ёруғ кунлар туфайли бизнинг кўксимизга шамол тегиб ҳозир юртимизнинг эртанги истиқболини ўйлаш билан бандмиз. Шундай бўлса-да, суҳбатимизда камина бошидан кечирганлари ҳақида ҳам тўхталмоқчиман.

— Марҳамат. Ўйлаймизки, бу барча муштарийлар учун қизиқдир.

— Мен асли тошкентликман. Ҳарбий хизматга чақирилгунимга қадар дорилфунунда ўқирдим. Шу билан бирга соатсозлик ҳам қилар эдим. Армияга борган йилим уруш бошланиб қолди. Минскда бўлганмиз. Урушга олиб кетишганига 22 кун бўлганида асирга тушиб қолдик. Асир тушганларни бўлиб-бўлиб Германияга жўнатишар эди. Берлинда таржимонлик курсини тугатиб, келганимдан сўнг батальонда таржимон бўлиб ишладим. Сарсон-саргардонликдан сўнг Дрезденга келдим. Ўша ерда бир оила билан танишдим. Кўк кўз, оқ-сариқдан бўлганим, немис тилида равон гапирганим учун хавфсирамай, мени қабул қилишди. У аёлнинг икки қизи, оиласи бор эди. Биз ўзаро келишиб, Баварияга боришга қарор қилдик. Йўлда биз немисларга дуч келдик. Бир чуқурлик бўлса, биз бу томонда, улар эса нариги томонда эдилар. Нима қилишимизни билмай турган эдик, қўлимдаги соатим эсимга тушиб қолди. Уларга соатни бериб, йўлга равона бўлдик. Манзилга етиб бориб, аёл, унинг қизларини жойлаштириб, уларнинг бувисини Дрезденданд эсон-омон олиб келдим.

Поляклар лагерида бўлганимда уларнинг тилини ўргандим. Дўстларим мени жуда ҳурмат қилишар эди. Мени кўришганида «Ана, турк келяпти» дейишарди. Ўшанда менинг миллатим билан қандай фахрланганим, ни билсангиз эди. Уларга, айниқса туркистонликларнинг одамгарчилиги ёқарди. Ҳозир ҳам агар улар билан кўришиб қолсак, ўзбекларга хос бўлган меҳмоннавозлик сезилади.

Лагерь ёпилганидан кейин Эссенга бориб, у ерда 1951 йилгача яшадим, ошпазлик қилдим. Ўша ерда оила қурдим. 1957 йилда Америкада фаолият кўрсатаётган Лев Толстой фонди ёрдамида Чикагога кўчиб кетдик. Лев Толстой фондининг россияликларга моддий ёрдам бериши ҳақида озарбайжон дўстим айтган эди.

Чикагода туркистонликлар деярли йўқ эди. Бахтни қарангки, у ерда муаллимни учратиб қолдим, у киши билан борди-келди қилардик. Устозим менга иш топишимда ёрдам бердилар. Пенсиягa чиққунимга қадар жуда кўп жойларда ишладим: соатсозлик қилдим, «Моторолло корпорейшен», французлар билан ҳамкорлик қилувчи «Нотрон корпорейшен»да ишладим. Инглиз тилини мукаммал ўргандим. Нолимайман, меҳнат менга бахт келтирди.

— Бу ерда қариндошларингиз бўлса керак?

— Албатта. Улар билан дийдор кўришиш менга осонликча насиб бўлгани йўқ. Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Мустақиллик. Президент жаноби Ислом Каримовнинг доно сиёсати туфайли мен ҳозир ўз жигарларим бағрида ўтирибман. Аввалари юз кўришиш у ёқда турсин, хаткитобот қилиш қанчалар мушкул эди.

Бундан икки йил олдин Тошкентдан Америкага ўқишга борганлар билан танишдим. Ватаннинг нонини кўзимизга суртиб едик. Қариндошларимни топишда улар менга катта ёрдам беришди.

— Мана, узоқ кутилган онлар келиб Ўзбекистон истиқлолга юз тутди...

— Ўзбекистон истиқлоли ҳақидаги хушхабарни эшитганимда хурсандлигимдан юрагим ёрилиб кетади, дедим. Фақат йиғлайман. Албатта, бу қувонч кўз ёшлари эди.

Биз, туркистонликлар гарчи Ватандан йироқ бўлсакда, етмиш икки томиримиз унга туташ, доимо ватан дарди ва қувончи билан яшаймиз. Мустақиллик барчамизнинг орзу-умидимиз эди. Мустақилликка осонликча эришганимиз йўқ. Ҳозир Ўзбекистонни ёш, мустақил давлат сифатида дадиллик билан қадам ташлаётган болага ўхшатиш мумкин. Қувонарли жойи шундаки, ҳозир Ўзбекистон илк қадамларни қўйиб, катта муваффақиятларга эришмоқда.

— Оилангиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Аёлим билан, юқорида айтган эдим. Эссенда танишганмиз. Кристина асли поляк миллатига мансуб. Ҳозир уй бекаси. Ўғлимиз бор — Ян исмли. У адвокат бўлиб ишлайди. Оилада ўзбек тилида гаплашмасак ҳам, урф-одатлар сақлаб қолинган.

— Қизиқарли суҳбатингиз учун ташаккур.

Нонбаҳон АЗИЗОВА
суҳбатлашди.

** Пўлат Мўмин—70 ёшда*

ҲАМИША ОМОНЛИК ТИЛАЙМИЗ

ТЎЙХАТ

ЙИЛЛАР айланаверар экан. Гапнинг индаллоси шуки азиздан азиз, ўз исмларига монанд Пўлат Мўмин акахонимиз етмиш ёшга тўлиб қўйибдилар.

Ўзимизнинг ўзбекча, одми қилиб айтганда Пўлатхўжа акамни туғилганимдан бери биламан, десам хато бўлмас. Биз — Эркин Воҳид, Тўлқин, Анвар Исроил каби болалар Маннон Уйғур номидаги 22-ўрта мактабда ўн йил таҳсил кўрганмиз. Пўлатхўжа акамизнинг қўрғонлари дарвозаси худди мактабимиз рўбарўсида бўлган. Улуғ Ватан урушидан кейинги ҳали унча оёққа туриб олмаган давримизда Пўлат Мўминнинг «Сайранг, қушлар» деб аталган шеърлар китоби биз болаларга тортиқ этилганди. Мовий рангли муқова устида бир шода оппоқ ўрик гули расми туширилган бу китоб — мактабимизда қўлдан-қўлга ўтиб, севилиб ўқила бошлади. Алифбони ўрганганимиздан кейин Ойбек, Ғафур Ғулом, Уйғун, Шайхзода, Миртемир устозлар китоби қаторида ушбу ёрқин китоб ўқиш китобимиздай ардоқда бўлди.

Энди ҳар гал Пўлатхўжа акам билан дийдор кўришганимда ўша китоб кўз ўнгимда намоён бўлаверади.

Кейин Пўлат Мўмин юзга яқин китоблар нашр эттирдилар. Юзлаб ажойиб қўшиқлар ижодкори сифатида ҳам болаларни ҳам катталарни хушнуд этиб келаяптилар. Бу ёғига ҳам ҳалол меҳнатлари билан эл дилини шеъру қўшиқ-ка тўйдириб боравердилар.

Бугунда ўзбек болалар адабиёти ҳақида гап очилгудек бўлса отахонларимиз Қуддус Муҳаммадий ва Ҳаким Назирлар сафида отахон бўлиб қолган Пўлат Мўмин эъзоз, эҳтиром билан тилга олинади. У кишининг ажойиб китоблари «Одоб ва офтоб» сифатида болаларимиз онгига зиё сочиб боравераді.

Пўлат Мўмин акамиз билан ёзувчиларимиз уюшмасидами ё қутлуғ хонадонларидами ёки бўлмаса бирор оқсоқол ёзувчимиз тантаналаридами, ҳар гал дийдор кўришганда ширин суҳбатларига шерик бўлганман. Бу инсоннинг мулойимлиги, мўмин-мусулмонлиги, етти ўлчаб бир кесиб муомала қилиши — энг муҳими инсонни улуғ атаб, ҳар қандоқ одамнинг ҳурматини жойига қўйиши, айниқса, озодликка эришган, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида фидойиларча меҳнат қилаётган кунларимизда, айниқса, ибратлидир.

Пўлатхўжа ака ўша ўтган кунларда ҳам сабр-тоқатли бўлишимизни, сабр қилсак албатта инсоф ва диёнатли ёруғ кунларга етиб олишимизни бизга насиҳат қилардилар.

Азиз Пўлат ака! Етмиш йиллаб ук[illegible] ва орзу қилган, юрт элимиз обод бўлиб, мустақил нафас олиш, қадриятларимизни тиклаш, ўзлигимизга тўла қайтиш фурсатлари етган ушбу қутлуғ кунларда қаламингиз ҳоримасин! Соғлиқ-саломатликда, фаровонликда, тинчлик-тотувликда баркамол ижод-изланишингиз асло тинмасин. Биз шогирдларингиз, сонсиз-саноқсиз ўзбек китобхонларингиз ва шинаванда қўшиқ шайдоларингиз, янги-янги ижод намуналарингизни кўза суриб, қаторингизда Сизни севиб ва ардоқлаб юраверайлик!

САЙЁР.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пўлат Мўмин шогирдлари ва мухлислари даврасида.
Рустам Шарипов сурати.



Қадоқлаш ва жойлаш тажриба конструкторлик бюросининг фрезерчиси А. Волосевич ўз касбининг устаси саналади. У кўп йиллардан буён шу соҳада меҳнат қилиб келмоқда. (Суратда чапда).

Ўнгдаги суратда «Ўзбекистон» чарм-пойабзал бирлашмасининг Тошкент ишлаб чиқариш корхонаси 1-заводининг бригадири Муҳамадали Курмакаев ва шогирди Баҳром Тоғаев тасвирга туширилган. Муҳамадали 17 йилдан бери шу жамоада меҳнат қилади. Баҳром эса уч йилдан бери ўз устозидан сабоқ ўрганмоқда.

Виктор Евтропов ва
Виктор Багаев суратлари.

** Давлат назорати—амалда*

Талон - тарож бўлаётган юклар

ЎРТА Осиё темир йўлининг Тошкент бўлими раҳбарияти (Р. Зоҳидов) молиявий-хўжалик ва иқтисодий фаолиятни шу кун талаблари даражасида яхшилай олмаяпти. Бу фикр давлат назорати мутахассислари тафтиш ўтказганларида яна бир бор кўзга ташланиб қолди.

Кўплаб станцияларда темир йўл Низоми ва юк ташиш қоидалари кўпол равишда бузилмоқда. Айниқса Тошкент — МЧ станцияси юкларнинг етиб келмаганлиги ҳақида (уларни излаб кўрмай туриб) олувчиларнинг ҳужжатларига белги қўйиб юборавериш муттасил такрорланаяпти. Бунақа санамай саккиз деявериш эса ғоят хунук оқибатларга олиб келмоқда. Юкларни ташиш ҳужжатларида масофаси, гуруҳлари ва бошқа маълумотлари аниқ ҳисоб-китоб қилинмайди ва пировард натижада бу хизматлар учун тўлов миқдорларини аниқлашда турли чалкашликларга йўл қўйилмоқда. Юк ташиш ҳужжатлари бир участкадан иккинчисига тартибга хилоф равишда диспетчерларнинг имзосисиз (демак розилигисиз) ўтказиб юборилаётгани ҳам дард устига чипқон.

Контейнерлардан фойдаланиш ишлари ҳам ўлдаҳўлда. Уларнинг айланма ҳаракат меъёрлари доимий равишда бузилиб келинмоқда. Бу соҳадаги суиистеъмолликларга эса тоқат қилиш қийин. Шу ўринда гап «Қурук қошиқ оғиз йиртар» қабилида бўлиб қолмаслиги учун мисоллар келтирамиз. Тошкент — МЧ станциясида «Тошшаҳагентлиги» ҳайдовчиси Киселёв фуқаро Волковнинг уй буюмларини ташиб бериш жараёнида ундан 8392 сўмни (қонунга хилоф равишда) қуртдек санаб олиб, ҳамёнга урган. Худди шунингдек, «Яхшилик» кичик корхонаси ҳайдовчиси Маскалев ва «Тошшаҳагентлиги» юк ташувчиси С. Сайдалиев Олимжонова деган фуқародан 8000 сўмни ўмаришган. «Яхшилик»нинг бунақа «яхшилик»ларига ўхшаш «ҳожатбарорлик»лар бошқа станцияларда ҳам рўй бермоқдаки, уларни ҳеч қанақа баҳонаю важ-карсон билан оқлаб бўлмайди.

Тижорат назорати пунктида вагон ва контейнерларга пломба қўйиш қоидаларига хилоф ишлар қилинаётгани етмагандек, юкларни Тошкент-товар станциясининг бир хил назорат белгиси билан жўнатиш ҳоллари ҳам одат тусини олмоқда. Вагонларни қайтадан тортиш ва уларни юклар ортилгандан сўнг назоратдан ўтказиш қоидалари ҳам мунтазам бузилиб келинмоқда.

Булар ҳам етмаганидек Темир йўл бўлими ва уларнинг жойлардаги тармоқларида ташилаётган юкларни асрашга эътиборсизлик, ўғирлик, хўжасизлик, исроф-гарчилик ва бошқа турли суиистеъмолчиликлар тобора урчиб бораётганидан таажжубга тушади киши. Айниқса омонат юкларни талон-тарож қилиш ҳоллари кўпайиб кетди. Биргина ўтган йилнинг ўзида 1321 та юкка хиёнат қилиниб, 13010 минг сўмлик зарар кўрилди. Бу 1991 йилга нисбатан ўғрилик 1,5 маротаба, кўрилган зарар эса қарийиб 13 маротаба ошиб кетди, деган гапдир. Ўрни келганда шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, кўрилаётган зарарнинг деярли учдан икки қисми ўғрилик туфайли содир бўлмоқда. Ҳар қандай кишини ҳам ҳангу манг қиладиган бунақа воқеалар айниқса, Шумилов, Кучлик, Ҳамза, Тошкент товар, Қизил тўқимачи, Жиззах ва Сергели станцияларида кўплаб юз бермоқда.

Масаланинг яна бир оғриқли томони шундаки, омонат юкларни ўзгалар эмас, кўпинча темирйўлчиларнинг ўзлари ўмармоқдалар. Биргина ўтган йилнинг ўзида турли даражада талон-тарож ва ташмачилик қилаётган 63 нафар темирйўлчига тегишли чоралар кўрилди. Жумладан, Шумилов станцияси сигналчиси Г. Ғофурхўжаев биратўла 13 та велосипедни гум қилаётганида қўлга тушиб шармандаю шармисор бўлди. Бунақа темирйўлчилар ёлғиз ҳолдагина эмас, ҳатто ўзаро уюшган ҳолда ҳам ғоратчилик билан шуғулланмоқдалар (ўтган йили шундай гуруҳлардан бири қўлга блинди). Во ажабо, деб ҳайратдан ёқа ушлайсан киши. Бири назоратчи, бошқаси сигналчи бўла туриб шундай қабиҳликка қўл урса, нима дейсан киши? Ё «Ўзингдан чиққан балога, қайга борай даъвога» деб фарёд чекасанми?!

Хўш, Ўрта Осиё Темир йўли бошқармасининг Тошкент бўлимида бунақа камчилигу нуқсонларнинг қалашиб кетишига сабаб нима? Энг аввало узоқ йиллар мобайнида бошқарувнинг тараққиёт йўлига тўғаноқ бўлган буйруқбозлик усули бу ерда ҳамон отдан тушса ҳам эгардан тушмай келаётганлигини таъкидлаб ўтиш зарур. Боз устига техник-иқтисодий кенгаш, темир йўл бўлими маъмурияти тармоқ корхонадари раҳбарларининг масъулиятини оширишга панжа орасидан қараб келмоқда. Натижада ишлаб чиқариш ва молиявий-хўжалик соҳасидаги ишлар издан чиқиб, турли иллатлар кўзга ташланмоқда.

Хайр майли, ўтган ишга саловат ҳам дейлик. Бироқ бундан буён энди масъул ташкилотлар мустақил республикамизнинг адолатли қонун-қоидаларига мувофиқ иш юритиб, соҳадаги аҳволни тубдан яхшилаш чораларини кўриш зарур. Бўлмаса бўлимда иш эскичасига бошқарилиб, омонат юклар янгичасига талон-тарож қилинаверади.

Мурод КАЛОНХОНОВ.

ТОШКЕНТ ТАРОНАСИ

Ота юртим, она тупроғим,
Юрагимда ёниқ чироғим.
Кўз очганим, мактабим, боғим,
Гул унарми тошингда Тошкент,
Меҳрим анҳор қошингда Тошкент.
Бир тўлғониб тўлишганимсан,
Давраларда кулишганимсан,
Дўст билан нон бўлишганимсан.

Бўлдинг мангу ошиён Тошкент,
Кўрса арзир кенг жаҳон Тошкент.
Сен юраксан ўзбек элимга,
Фахр этаман ўзбеклигимга.
Қўшиғимсан она тилимда,
Гулшанимда гулшансан Тошкент.
Бахтим бўлиб кулгансан Тошкент.

УСТОЗ ЎРГАТУР

Лочин аҳли қушчасига
Аста парвоз ўргатур.
Ўргатурда шошмагай ул
Ҳар кун оз-оз ўргатур.
Ўргатишнинг ўрни бордир,
Фасли бордир гул мисол.
Бахтли она ўз қизига
Одоб-у ноз ўргатур.

Яхшиликнинг мактабинда,
Таълим олса барча тенг,
Аҳли толибга муаллим
Илмидан роз ўргатур.
Зеҳну меҳрин қўйса шогирд
Ҳар қачон устозига,
Топган илмин ҳар шогирдга
Асли устоз ўргатур.
Дилда иймон — эътиқод ҳам
Ўрганишнинг дарсидан
Бу Мўъминга она халқи
Рози эъзоз ўргатур.

ЯХШИДАН ОТ ҚОЛУР

Эзгулик тилагил
Ҳар кимга ҳар қачон.
Энг олий бурчини
Бажаргай ҳар инсон.
Ҳар дамда шай тургил
Ночорга мададга,
Бош осмон бўлмасми
Ул етса мақсадга.

Енгандай бўлади
Қалбингда нур — чироқ.
Ўзингни сезарсан
Янада енгилроқ.
Бахт топган кўп эрур
Яхшилик — савобдан.
Не нарса улуғдир
Устозни тавобдан.

Сен одам эрурсан,
Унвондир муқаддас.
Ҳаёт бу мактабдир,
Ҳар онда олгил дарс.
Эй, Мўъмин, унутма,
Яхшидан от қолар.
Иймонли инсондан
Энг тоза зот қолар.

Пўлат Мўмин,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

УНИВЕРСИТЕТДА МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗ

ВЕНА бирлашган институти нафақат Австрияда, балки бутун дунёда яхши танилган олий ўқув юрти ҳисобланади. Халқаро аҳамият касб этган бу нуфузли билим даргоҳини ташкил этишда халқаро валюта жамғармаси, халқаро ҳисоб-китоблар институти, иқтисодий ривожланиш институти ва Европа иқтисодий тараққиёт ва реконструкция банки жонбозлик кўрсатган эди.

У ўз фаолиятини бошлаганига ҳали кўп бўлганича йўқ. Аммо шу қисқа давр ичида институт дунёдаги бир қанча олий ўқув юртлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатди. Тошкент давлат иқтисодиёт университети билан алоқалар ҳам йўлга қўйилди.

Вена институти Тошкент давлат иқтисодиёт университетига катта ишонч билан қараб, ҳар томонлама алоқаларни кенгайтириш истагини билдирди. Бундай ҳурмат университет ҳузурида минтақавий илм-фан марказини очиш учун ҳам имконият туғдирди.

Эндиликда Вена институтининг Марказий Осиё ва Жануби-Шарқий мамлакатлар давлат хизматчиларининг малакасини ошириш билан шуғулланувчи маркази Тошкент Давлат иқтисодиёт университети негизида фаолият кўрсатмоқда. Ҳозир унда ўнта мамлакатдан келган иқтидорли давлат хизматчиларидан 40 дан ортиқ киши таҳсил кўрмоқда.

Марказда «Бозор иқтисодиётига кириш ва молиявий таҳлил» деб номланган махсус ўқув дастури асосида ҳам машғулотлар олиб борилмоқда.

Акбар АЛИЕВ.

ЭҲТИЁЖБОП ГАЗЛАМАЛАР

РЕСПУБЛИКА ўқув-ишлаб чиқариш маркази ҳунар-техника билим юртларида берилаётган таълимни амалий ишлар билан уйғун ҳолда ташкил этиш билан ҳам яқиндан шуғулланмоқда. Ўзбекистон халқ таълими тизимини ривожлантиришда мазкур марказ илмий-услубий аҳамиятга молик вазифаларни ҳам ҳал этиш йўлида изланишлар олиб боради.

Марказ ихтиёрида ишлаб чиқариш цехларини очишга киришилгани ҳам айни муддао бўлди. Енгил саноат тармоғининг муайян соҳасида ўзига хос кичик корхона вазифасини ўтайдиган бу хил цехлардан навбатдагиси яқин орада иш бошлайди. У газмол-тикувчилик ихтисослиги бўйича фаолият кўрсатиб, аҳоли эҳтиёжи учун зарур материалларни тайёрлаш билан шуғулланади.

Бу ишни яхши йўлга қўйиш мақсадида махсус тажриба гуруҳи тузилди. Мазкур гуруҳ янги режа ва дастур асосида фаолият кўрсатади. Ана шу маърифат ишлаб чиқариш йўриқномаси устида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигига қарашли республика ишлаб чиқариш педагогика илмий-тадқиқот институти жиддий иш олиб борди.

Озод АҲАДОВ.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ГАЗЕТАСИНИНГ ИЛОВАСИ № 31

ТАБИАТ ВА ИНСОН

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КОМИТЕТИНИНГ САҲИФАСИ

АЖОЙИБОТЛАР

◎ ЭНГ катта денгиз Тинч океанидаги Коралл денгизи бўлиб, майдони 4,8 миллион квадрат километр.

◎ ЭНГ катта кўл — Европа билан Осиё чегарасидаги Каспий денгизидир. Майдони 394 минг квадрат километр.

◎ ЭНГ чуқур кўл — Байкал кўли. Унинг чуқурлиги Ольхон оролига яқин жойда 1620 метр.

◎ ЭНГ баланд тоғ кўли — Тибетдаги Харпа-Цо кўли бўлиб, у 5465 метр баландликда жойлашган.

◎ ЭНГ иссиқ жой — Африканинг Шимолидаги Эл-Осиё саҳроси. Бу жойда ҳаво ҳарорати соя да +58 даражага етади.

◎ ЭНГ совуқ жой — Антарктидадаги Совет «Восток» станцияси. Совуқлик —87,2 даражага етади.

◎ ЭНГ нам жой — Шарқий Ҳиндистондаги Ҳимолай тоғ этагидаги Черо-пунджи қишлоғи. Ўрта ҳисобда бир йилда 12665 миллиметр ёки 12,7 метр ёмғир ёғади.

◎ ЭНГ қуруқ жой — Чилидаги Атакама саҳроси бўлиб, бир йиллик ёғин бир миллиметрга ҳам етмайди.

◎ ЭНГ йирик сув ости вулқони — Тинч океандаги 5 минг метрли адмирал Макаров вулқонидир.

Ваҳоб ВАЛИЕВ тайёрлаган.

** Долзарб мавзу*

ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРАЙЛИК

ШАҲРИМИЗДАГИ сувлар таркиби кўнгилдагидек эмаслиги ҳақида жуда ҳам кўп гапирилган. Хусусан ер ости сувларининг аҳволи жуда ачинарли эканлиги ҳам бугун ҳеч кимга сир эмас. Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети ҳайъатининг шу йил 7 июлда қабул қилган қарори ҳам айнан шу долзарб масала — «Ер ости сувларини ифлосланиши ҳамда машинасозлик саноати корхоналарида уларнинг муҳофазаси» ҳақида бўлган эди. Ушбу қарорнинг қабул қилинганига ҳам салкам ярим йил бўлай деб қолди. Хўш, уларнинг бажарилиши бугун қай аҳволда?

Шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитетининг текшириш ва таҳлилларига кўра, Тошкент гидрогеологик экспедицияси ва бошқа ташкилотларда текшириб, намуна олинган ҳудудларда концентратлар миқдори, айниқса, йўл қўйилиши мумкин бўлган меъёрлардан ортиқлиги, нефть маҳсулотлари, азот бирикмалари, оғир металлар ҳамда фенол кўпайиб кетганлигини яна бир қайд этамиз.

Ер ости сувларининг Чирчиқ дарёси тарафларида ҳаддан зиёд ифлосланиб кетаётганлиги, айниқса, ташвишланарлидир. Сабаби Чирчиқ ва унинг ён-атрофлари шаҳарни сув билан таъминловчи манба ҳисобланади. Ушбу жойларда экологик жиҳатдан хавфли бўлган қурилишлар (асосан Тошкент трактор заводи, Тошкент механика заводи, Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Электроаппарат» корхоналарининг, ёғмой комбинати ва Бектемир ва Сергели туманларининг иншоотлари) мавжуд. Тошкент трактор заводи яқинида, яъни шаҳарга кираверишда ичимлик сувдаги нефть маҳсулотлари миқдори ҳам ошиқлиги аниқланди.

«Чкалов» метро бекати зонасида хром билан ер ости сувларининг ифлосланиш меъёри ниҳоятда жиддий эканлиги хусусида кўп гапирилди. Ҳатто бекат маълум муддатга ёпиб ҳам қўйилди. Лекин аҳвол ҳали ҳам яхши томонга ўзгаргани йўқ. Бунинг устига ер ости сувларининг ифлосланиши оқибатида «Сувсоз» трестининг уч сув сақлаш ҳавзаси ҳам ёпиб қўйилди.

Ер ости сувлари ифлосланишининг олдини олиш, назорат қилиш айниқса геологик ташкилотларда қаровсиз бир аҳволда. «Чкалов» метро бекати, метрополитеннинг бошқа бекатларида Қорасув даҳасидан Воровский кўчасигача бўлган назорат нуқталари фаолияти тўхтатиб қўйилди. «Ўзбекгидрогеология», «Қизилтепагеология» ҳамда Тошкент Давлат университетининг ҳисоботларида эса ер ости сувларини ифлослантираётган манбалар аниқ кўрсатиб ўтилмаган.

Шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитетининг йўл-йўриқ ва кўрсатмалари бўйича ер ости сувларини назорат қилиш бобида Тошкент трактор заводи, Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Б» ҳудудида анча ишлар олиб борилмоқда. «Электроаппарат», қурилаётган «Сен — сув» қўшма корхонасида, аэропортда, фуқаро авиациясининг 243-заводида, «Мотор» ҳамда Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаларида ишлар режалаштирилмоқда.

Шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитетининг ҳайъатида Тошкентдаги сув ҳудудларининг экологик хавфсизлиги масаласига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Қабул қилинган тадбирлар режасига асосан, «Сувсоз» трести бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда қайта тасдиқдан ўтказиш учун санитария жиҳатидан қўриқлаш зоналарини яна рўйхатга олмоқда. Буни экологик вазият тақозо этаётганини айтмасак ҳам бўлди.

Комитетимиз томонидан текширишнинг имкони бўлмаган талабга жавоб бермайдиган иншоот ва қувурлар, ёнилғи сақлаш омборлари ва бошқа тегишли иншоотларни қуриш тақиқланди.

Ҳар сафар корхоналарнинг иш фаолиятида табиат муҳофазасига етарли эътибор берилмаётганини танқид қиламиз. Жарималар соламиз. Барибир аҳвол батамом яхши томонга ўзгармайди. Масалан: кўрсатмамизга биноан маълум тадбирлар қилинаётган бўлса ҳам, Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Б» ҳудудида ер ости сувларининг таркиби ҳамон талабга жавоб бермайди. «Чкалов» метро бекати эса — ифлосланган ер ости сувларини дренаж ёрдамида тортиб олиб, Қорасув каналига ташласагина бир меъёрда ишлаши мумкин. Тошкент трактор заводида ҳам кўзда тутилган ва комитетимиз томонидан тақдим этилган тадбирлар режасини бажариш асоссиз суратда чўзилиб кетмоқда. Тўғри, «Альтернатива» кичик корхонаси ўзга ташкилотлардан чақирилган мутахассислар ёрдамида авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Б» ҳудудида 13 та қудуқ кавлади, бошқа ишлар амалга оширилди. Бунинг учун миннатдормиз. Лекин шаҳримиз бўйича ўнлаб беш корхонада иш салпал жонлангани билан барча ифлослантирувчи манбалар зарарсизлантирилди деб бўлмайди.

Бизни ташвишга солаётган нарса — бу ёмғир, жала, онда-сонда бўлса ҳам юз берадиган сел сувларининг йиғиладиган хавфсиз жойи йўқлигидир. Чкалов номли авиация бирлашмаси, мазут билан ёки бошқа ёқилғи турлари билан ишлайдиган корхоналарда ёмғир ёққандаги аҳволни тасаввур қилиш унча қийин эмас. Бунга саноатда ишлатилган сувлар ҳам қўшилса, манзара қанчалар кўнгилсиз бўлишини таъкидлашга ўрин ҳам қолмайди.

Худди шундай аҳволни тепловоз таъмирлаш заводида, «Электроаппарат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам кўришимиз мумкин. Электроаппарат»да анча яхши ишлар амалга оширилмоқда. Гальваник ишлаб чиқариш қайта қурилмоқда, у ишга тушгач 1994 йилда эски ер ости сув ҳавзалари, коммуникациялар тугатилиши керак. Лекин корхонада олти валентли хромнинг кўзда тутилган меъёридан 200 баравар ошган чиқиндилари сув билан шаҳар канализациясига ташланган ҳолатлар, афсуски, тез-тез рўй бермоқда.

Тепловоз таъмирлаш заводида ҳаддан ташқари ифлосланган участкаларни тозалаш ишлари олиб борилмоқда. Бутун чиқиндиларни нефть тутиб қолувчи қурилмадан ўтказиб, 6 миллион сўм тежаб қолинди. Лекин тепловозларни ювишдан чиқадиган хавфли манбалардан сувни ва тупроқни ҳимоя этиш масаласи ҳали ижобий ҳал қилинмаган. Заводнинг умумий тозалаш иншоотлари қурилиши ҳам туя гўшти егандек чўзилиб кетмоқда. Буларнинг барчаси яқинда ҳайъатимизда қайта кўриб чиқилди.

Солинган жарималарни айтиб ўтмасак ҳам бўлади. 92 марта корхоналар, уларнинг мансабдор шахслари жарима тўлашга мажбур бўлдилар. Уларнинг умумий миқдори 521.550 сўмни ташкил этди.

Афсуски, жарима тўлаш ёки корхонанинг маълум участкаларини ёпиб қўйиш билан ҳали бironта ишимиз битгани йўқ. Гап ҳозир жаримада эмас, гап ҳаммамизнинг ҳаётимиз, уни хавфсизлантириш ҳақида кетяпти.

Сув — ҳаёт манбаи. Бу оқилона ҳикмат! Лекин у қачонки тоза, мусаффо бўлсагина ҳаётимиз манбаи бўла олади. Ифлосланган, заҳарланган ҳолатда эса ҳаётимиз учун хавфга айланиши турган гап. Демак, ҳавони, тупроқни, сувни тоза сақлаш шаҳримизни кўркамлаштиради, бизнинг узоқ умримизга гаров бўлади.

Биз олиб бораётган хайрли ишнинг мазмуни ҳам ана шунда. Умид қиламизки барча биз — табиат муҳофазачилари билан бир ёқадан бош чиқариб ишга киришади.

Шоира ИБРОҲИМОВА,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитетининг раиси.

ОЛТИН куз келди.

Ёз бўйи ям-яшил бўлиб, шамолларда шовдираб, айни пайтда чанг-тўзонга беланиб турган япроқлар бирданига сарғая бошлади. Йўқ-йўқ, сарғаймади, бир тўп олтинга айланди. Шамоллар япроқларни яшиллик чоғида ҳам қўймаган эди, бу safар ҳам қўймади. Япроқлар инон-ихтиёрини шамолларга берди. Шамол эса кузда мақсадига етганидан хурсанд, уларни шиддат билан узиб, оҳиста ерга гиламдек тўшай бошлади. Оёғинг остига қарайсану ўйга чўмасан: «Кечагина дарахтда эди, бугун эса ерга тушибди». Шунда япроқларнинг шивири эшитилгандек бўлади: «Юравер, эй инсон, хазонсиз кўклам ҳеч қаерда йўқ. Ахир сен ҳам кечаги азамат йигит эмассан-ку!».

Тўғри, шунақа. Шошилиб дарахтларга нигоҳ ташлайман. Кўзим осмонни тўлдириб юрган қарғаларга тушади. «Қиш ўз элчиларини юборибди-да» кўнглимдан кечираман мен.

Олтин куз келди.

Шаҳримизни кузак чоғида сайр қилганмисиз? Ҳаммаёқда ажиб бир маъюслик бордек. Бу — табиий. Ахир баҳорини, ёзини кузатган табиат кузи бағрида ўйчан бугун.

Шаҳримизда қима кўп — довдарахт кўп. Кўп қаватли уйларнинг ўртасидаги ҳовлиларда, майдончаларда, кўчаларда улар мағрур қад ростлаб, олтин тангалар — япроқларини сочиб ётишибди. Улар тўкилаверади-тўкилаверади.

Кўча супураётган фаррошларнинг қўли-қўлига тегмайди. Улар забт билан супуришади, бу ёқдан шаҳд билан яна япроқлар тўкилади. Яна шаҳримиз кўчаларига супурги тегмагандек.

Сайр қилиб юраману бир нарсани кўриб, ғашим келади. Серқатнов кўча бўйлари, йўлкалар топ-тоза. Гарчи чанг-чунг, хазон йўл четидаги бетон ариқларга супуриб ташланган бўлса ҳам. Бечора ариқ баргларни «ҳазм» қилолмайди. Бир марта ёмғир ёғиб ўтса бас, ариқ тўла лой пайдо бўлади. У келгуси баҳоргача ҳам ётавериши мумкин.

Ҳай, майли, ўша «бир нарса» қима экан дерсиз. Йўловчи, транспорт қатнови сийрак кўчалардан юрганмисиз? Ҳар қадамда тўп-тўп хазон, ахлат. Пала-партиш супурилган кўчалар... Яна ҳам чеккароққа чиқсангиз жуда аянчли манзараларни кўрасиз. Сабаби бу томонларга одамлар деярли ўтмаса керак-да. Мабодо ўша ердаги хонадон соҳибларидан: «Нега ҳаммаёқ қаровсиз?» деб сўрасангиз, дарров: «Фаррошлар супурмаяпти, машина олиб кетмаяпти» деб жавоб беришади.

Авваллари Бўзсувнинг узун соҳилларида дам олиш, ҳатто якшанбани кўнгилли ўтказиш мумкин эди. Ҳозир эса айрим жойларда Бўзсувнинг ҳам, Қичқириқнинг ҳам, Қорасувнинг ҳам яқинига йўлаб бўлмайди. Дам эмас, истаганча азоб оласиз. Тўкилаётган машина-машина ахлатлар қаёқдан келяпти экан ўзи?

** Туйғулар*

ОЛТИН ФАСЛ ХАЁЛЛАРИ

Ким буйруқ бергану, қайси «тозалик фидойилари» бу ишни қиляпти? Ахир бу бир ишни қилиб, иккинчисини барбод қилишку! Шу ерда сувлар ҳақида сўзламоғимиз жоизга ўхшайди. Ярим аср умрини яшаб қўйган, ҳамшаҳарлар айтинг, болалигингизда Кайковус, Бўзсувда, Қичқириқда, Салорда чўмилганмисиз? Ҳа, балли! Ҳозир эса кенжатойингизни ёки неварангизни шу анҳорларга яқинлаштирасизми? Йўқ, асло! Нега?

Гоҳида ўйга чўмади киши. Одамга ўзи яшаб турган ҳовлиси устидаги бир парча осмон тоза бўлса, сув қувуридан тушаётган сув ифлосланмаса бас экан-да? Ахир бундай бўлмайдику?! Ахир осмон ҳаммамиз учун, замин ҳаммамиз учун-ку! Ўша ер ости, азот сувлари қўшилган сувлар ҳаммамизнинг хонадонимизга борадику? Ўша йўл қўйилиши мумкин бўлган меъёрдан бир неча баробар ошиб кетган нитратлар, зарарли ва заҳарли чиқиндилар тўлиб-тошиб ётган ҳаводан нафас оламизку? Буни биз ўйламасак ким ўйлайди?

Куз ҳавоси минг дардга даво дейишади. Сабаби хилма-хил неъматлар пишган, дардга дармон ҳеҳлар етилган, олам ажиб муаттар ҳуш исларга тўлган бўлади. Тўйиб-тўйиб нафас олгинг келади. Гоҳида ғалати манзаранинг устидан чиқамиз: ғарам-ғарам қилиб уйилган хазон тутаб ётади. Бурқсиб тутайди. Шамол эсиб қолса баҳарнов дарров ловуллаб ёниб тугайди. Бўлмаса, тутаб димоғларни ёргудек бўлади. Яна ўт ёқувчи, «муаллифдан» сўрайсиз: «Нега бундай қиляпсиз? Соғлиққа зарарку». «Нима қилай бўлмаса?» деган савол бўлади — «Ахир олиб кетмайдими ахлат машиналари?» «Улгуролмаяпти-да. Улар кўп бўлгандаку бундай қилмаган бўлардик».

Шаҳар ҳаммамизники! Шундай бўлгандан кейин унинг озодагарчилигига ҳаммамиз жавобгармиз! Шаҳарга келган меҳмонлар айбни фақат фаррошларга, ободончилик хизмати ходимларига қўймайди. Ҳаммамизга қўяди. Шундоқ новвотдек шаҳарни тоза, покиза сақлолмаган биз — йигирма миллион одамга қўяди.

Олам куз қучоғига кирди. Ҳадемай қиш ҳам келади. Қор ёғади. Яна ҳаммаёқ оппоқ бўлади. Чиқиндилару, кўримсиз жойлар, хазонлар қор тагида қолади. Лекин эртага яна баҳор келадику! Яна бутун нарса кўз олдимизга қалқиб чиқадику! Унда нима бўлади? Йилда бир марта ўтказиладиган ҳашар билан шаҳримизни обод қилиш ва сақлаш мушкуллигини ҳаммамиз биламизку!

Олтин куз келди.

Куз каби хаёллар ҳам махзун. Замон, ҳаёт араваси ўз йўлида доим давом этмоқда. Унинг ғилдирагини ушлаб тўхтатиб бўлмайди. Унга ҳамоҳанг, ҳамқадам бўлишимиз керак. Шундагина барча орзулар рўёбга чиқади. Барча ниятлар ушалади.

Шаҳрим кўчаларини кезар эканман шундай хаёллар кўнглимда кечди. Биров оёғи остидагига қарамайди, биров ўзини ўйлайди. Бировнинг оламда нима бўлаётгани билан иши йўқ. Шундай одамларга дуч келдим. Ерга ҳатто конфет қоғози, писта пўчоғи ҳам тушмасин дейдиган жонкуярларни учратдим. Афсуски улар озда бугун.

Хаёл билан одимлар эканман, болаларнинг қий-чуви қулоғимга келди. Ўшаёққа юрдим. Тепа қилиб уюлган хазон ёнар, ён-атрофдаги одамлар унинг устига нима ёнса барчасини келтириб ташлардилар. Тилларанг япроқлар ёнарди. Олтин кузнинг япроқлари ёнарди...

Унга қўшилиб лоқайдлигимиз ҳам ёниб кетса қани эди! Афсуски, ўша хазонларни лоқайдлигимиз ёқарди.

Темур УБАЙДУЛЛО.



Ўлкамизда олтин куз кезмоқда.

Равиль Альбеков суратлари.

ОФТОБ ЎПМАГАН ТОНГ

(ЛАВҲА)

СИРЛИ тоғлар бошида ўтириб яшил ислар мудроқ руҳингизни уйғотганда, пастда сой шовуллаб оқаётганда, офтобдан олдин туриб катта харсанг тош устида ўтириб тонг отишини кузатганмисиз?..

— Мен бирдан англадим: Табиат — онага қўйилган улкан ёдгорлик...

— Онажон, мен сенинг қошингга ҳайратга тушиш, ҳаяжонланиш ва уялиш учун келдим. Мен сенга таъзим қиламан. Ҳар сафар жунжиктирувчи майсалар кўзидаги шабнамлар оёғимни куйдира бошлайди. Ялангоёқ чопдим, товонимга чағир-тиконлар санчилиб қонади, негадир оғриқ сезмадим... Жинчироқдай хира вужудимда оппоқ гуллар очила бошлади. Мен умрим кузагида очилган бойчечакларни кўряпман, онажон.

Мен зангор бир фаслда уйғондим. Балки, ўзимни англаётгандирман. Йўқ, мен ўзимга йўқолган ўзимни ям-яшил майсазордан топиб олдим ва мен бирдан англадим: Ватаннинг мунаввар кенгликлари-ю, ҳали офтоб ўпмаган бокира тонгини... Мунис тоғлар бағрида шовуллаб оқаётган фаришта чашмалар тепасидаги кўз илғамас ёрқин уфқларни... Шу лаҳзалардан бошлаб самимий ва гўзал она — табиатни доно тафаккурли ҳаёлларига сидқидил толиб бўлгим келди.

Офтоб чиқди.

Хаёлларим қайтарилмас гўзаллик — майсалар кўзидаги қамалак тонгни тушига сингиб кетди.

Барибир, тоғлар гўзал...

Ана, яшил, ям-яшил ялпиз бўйли жилғалар сулув кўнглидай майин, юмшоқ бўлиб оқяпти...

Ботир ОМОН.

** Гапни гапир уққанга*

МЕҲР КЕРАК, МУҲАББАТ КЕРАК

ТАСАВВУР қилинг, сиз узоқ бир юртда саёҳатдасиз. Биринчи навбатда эътиборингизни нима жалб этади? Мусаффо ҳаво ва ён-атрофингизнинг тозалиги. Ёки аксинча бўлса-чи? Нафасингиз бўғилиб, ифлос кўчалардан юриб дам олгандан кўра тезроқ уйимга кетганим яхши дея йўл тараддудига тушиб қоласиз. Э, яшанг! Ана шунинг учун ҳар бир шаҳарнинг фуқароси ўзи яшаб турган ернинг ҳавоси ва тозалиги учун масъулдир.

Тошкент — бу бутун Марказий Осиёнинг энг кўркам ва гўзал шаҳри ҳисобланади. Бундай юксак баҳонинг қадрига етишимиз лозим.

Йилига шаҳримизда қандайдир катта-катта анжуманлар ўтказилади. Шу бугунги кунда «Театр: Шарқ — Ғарб» Халқаро фестивали бўлаётир. Айтинг-чи, бутун ер юзининг барча бурчакларидан келган меҳмонлар шаҳримизнинг об-ҳавоси ва кўча-кўйларимизнинг аҳволи ҳақида қандай фикрда эканлар?

Очиғини айтиш керак. Тошкент шаҳрини бунданда мусаффо ва озода сақлаш имконияти бор. Аммо тоза ҳаводан тўйиб нафас олиш бахтини ҳали ҳамма тўла тушуниб етганича йўқ.

Шу йилнинг сентябрь ойида Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети томонидан 102 жойда текшириш ишлари ўтказди. Булар саноат, кичик ва қўшма, кооператив корхоналаридир. 1993 йилнинг учинчи чорагида белгиланган 99 тадбирни бажариш учун 354,3 миллион сўм, шунинг 23,4 миллиони капитал маблағ ҳисобига ажратилганди. Шу кунгача эса 52 та тадбир бажарилган ва унга 2 миллиард сўм сарфланган, шунинг 48,5 миллиони капитал маблағ ҳисобидан амалга оширилган. Юқорида санаб ўтилган тадбирлар ҳисобига зарарли моддаларни ҳавога, сувга чиқариб ташлаш 2291 тоннага камайди. 10 тонна метр куб тоза сув иқтисод қилинди ва 66,8 километр ариқ ва каналлар тозаланди.

Тошкент шаҳар иссиқлик тарқатиш, қишлоқ хўжалик машинасозлиги, «Компрессор», «Алгоритм», «Совпластитал», шаҳар пассажир станцияси, махсус мебель ишлаб чиқариш корхоналари табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини бажардилар.

Текширишлар давомида ҳавога чиқинди чиқараётган 696 та манбалар назоратдан ўтказилди. Шундан 196 манбадан ҳали ҳам ҳаво булғанаётгани, 223 тасида тозалаш ускуналари билан жиҳозланганлиги қайд этилди. 83 та чанг тозалаш ускуналаридан 8 таси бузуқ ҳолда ишлатилган. 16 таси эса қониқарсиз ишлаган.

Масъул шахсларга жами 747.000 сўм жарима солинди. Текширишларда аниқланган камчилик ва нуқсонларни йўқотиш мақсадида 380 та бажарилиши шарт бўлган топшириқлар берилганди. Ҳозиргача эса 285 таси бажарилди.

Тошкент шаҳар асбобсозлик заводида автотранспорт воситалари техник ҳолатини текшириш бўйича назорат ўрнатилмаган, автомашиналардан чиқаётган зарарли моддалар меъёрини ўлчаш бўйича текшириш ўтказилмаган. Бундан ташқари мубоширлар томонидан берилган йўриқномалар бажарилмаган. Йўл қўйилган қонунбузарлик учун корхона бош муҳандиси М. Валиев ва цех бошлиғи А. Абдухалиловга жами 27 минг сўм жарима солинди.

Қишлоқ хўжалик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам сентябрь ойида ҳавога меъёридан 2,7 марта ортиқ чанг, углерод оксиди 13 марта, углеводород 9 марта, формальдегид 16 марта кўп чиқарилган ва атмосфера ҳавосининг булғанишига сабаб бўлган. Чанг ютгич ускуналарининг ишини назорат қилиш йўлга қўйилмаган, автомобилларнинг техник ҳолатини мунтазам текшириш ишлари бажарилмаган. Йўл қўйилган камчиликлар учун корхона бош муҳандиси А. Курженга 50 минг сўм жарима солинди.

Тошкент трактор заводи ишлаб чиқариш бирлашмасида углерод оксидининг ҳавога меъёридан 31 марта кўп чиқарилганлиги аниқланди. Цех смена бошлиғи А. Тиллахўжаевга 40 минг сўм миқдорида жарима солинди.

Текширувлар мобайнида айрим қонунбузар корхоналарнинг иш фаолияти маълум бир муддатга тўхтатиб қўйилди.

Режа ва фойда кетидан қувиб табиатнинг мувозанатини бузаётган корхона ва ташкилотларни фақатгина жарималар билан тўғри йўлга солиб бўлармикан?

Шарқнинг гўзал даёри Тошкентда яшаш ва ишлашнинг ўзи кифоя эмас. Унга ўзгача меҳр ва муҳаббат ҳам керак!

Муборак ХОНХЎЖАЕВА,
Шавкат ҒАНИЕВ,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитетининг масъул ходимлари.

● Кўркам куз фаслида оилавий сайр қилишга нима етсин.

** Бу — қизиқ*

СУЯКЛАР ТИЛГА КИРГАНДА

ГРУЗИЯДА археологлар қадимий одамнинг жаг суягини топишди. Уларнинг фикрига кўра бу суяк 1,6 миллион йил тупроқ остида ётган, яъни бу қазилма қадимги одамдан аввал ҳаёт кечирган боболар суяги деган хулосага келинди. Агарда бу топилмага берилган ёшнинг йили аниқланса унда одамнинг бундан бир неча миллион йиллар бурин Африкада пайдо бўлгани тасдиқланади. Бу текширувлар одамнинг келиб чиқиши ҳақидаги аввалги фаразни бекорга чиқариш эҳтимол.

Бу янгилик жаҳон палеантрополог л а р и н и н г ўртасида қизғин баҳсга сабаб бўлмоқда. Тортишувлар Франк-Фуртда ўтган илмий анжумандан кейин ҳам давом этаётир. Немис ҳамда грузин археологларининг суякларини Тбилиси шаҳри яқинидаги ўрта асрда қурилган уйнинг бузилган ўрнидан топишган эди. «Агар олимларнинг таҳминлари тўғри чиқса унда бу янгиликнинг аҳамияти жуда катта» дейди Лондон тарихий табиий музейининг антропологи Кристодер Стингер.

Америка Қўшма Штатларининг Нью-Йорк штатидаги Бингемтон университетининг антропологи доктор Филипп Райтмайер Франк-Фуртдаги анжуманда суякларни текшира туриб бу қадимий одам аждодлари вакилининг суяклари экани, унинг қачон ва қаерда яшаганини аниқлашда ёрдам бериши ҳамда бу фандаги катта янгилик эканини маълум қилди.

Қиндирбой ТЎЛАГАНОВ.

КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 29 июнда 303-рақамли қарорида тасдиқланган нарх-наво бўйича шу йил 1 октябрдан бошлаб саноат маҳсулотлари ошиши муносабати билан чиқиндилар, зарарли ва заҳарли ташламалар учун тўланадиган вақтинчалик тўлов миқдори 10 баробар ошганини маълум қиламиз.

Умид қиламизки, барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар экологияни яхшилашга ҳисса қўшиб, ушбу тўловларга қатъий амал қиладилар.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КОМИТЕТИ.

Бозор тадбиркорликни ёқтиради

«БУ СОҲАГА ФИДОЙИЛАР ЗАРУР»



Бизнинг маълумот:

● Геннадий Григорьевич Маляр, 1946 йилда туғилган, спорт устаси, оғир атлетика бўйича Ўзбекистоннинг 1966—1980 йиллар мобайнидаги ғолиби, собиқ Иттифоқ чемпионатлари совриндори, биринчилардан бўлиб 200 килограмм оғирликдаги тошни «бўйсундиришга» муваффақ бўлганлардан. 1980—1990 йиллар давомида «Меҳнат ўринбосарлари» спорт жамиятининг оғир атлетика жамоаси бош мураббийси. Айни пайтда атлетизм учун спорт анжомлари ишлаб чиқарувчи масъулияти чекланган «Потенциал» жамияти директори лавозимида ишлайди.

— Геннадий Григорьевич, сиз спортнинг оғир атлетика тури ривожига муносиб ҳисса қўшиб унинг тарихида из қолдирган инсонлардан бирисиз. Собиқ спортчи, мураббийни ҳозир бажараётган ишига қўл уришга нима мажбур қилди?

— Саволингизга бироз ортга қайтиб жавоб изласак. 1980 йили мени «Меҳнат ўринбосарлари» спорт жамиятининг оғир атлетика бўйича жамоасига бош мураббийликка таклиф этишди. Шунга қадар ёлғиз ўзимнинг натижаларимни яхшилаш, ички имкониятларимдан фойдаланиб нималарга қодир эканимни исботлаш билан машғул бўлган бўлсам, энди зиммамга бутун бошли жамоа ҳақида қайғуриш, унинг кўп қиррали фаолиятига жавоб бериш масъулияти юклатилди. Ўша даврларда спортга масъул раҳбарлар орасида ҳар қандай йўл, услуб билан юқори натижаларга эришиш лозим (шарт) деган ақида ҳукмрон эди. Демакки, мен ҳам ўз-ўзидан ана шу ғояга хизмат қилишим керак эди.

— Кечирасизу Геннадий Григорьевич, бизда хорижий мамлакатлардаги спорт клубларидан фарқли ўлароқ, бош мураббий нафақат тайёргарлик, балки ваколати доирасига кирмайдиган, лекин у ечимини топмаса бошқа биров (ҳатто бевосита шу масалага жавобгар шахслар)нинг ҳам бошини оғритмайдиган муаммоларни ҳал қилиши одатий ҳол, кундалик воқеага айлангандику?!

— Мазкур мулоҳазаларингиз жуда ўринли. Чинданда ҳар бир бош мураббий ўша даврларда махсус услубий қўлланмалар, шахсий тажрибаси қўмагидагина юксак натижаларга эриша олмаслигини жуда яхши ҳис этар, машғулотлар ўтказиш билан бир қаторда сон-саноқсиз муаммолар, жумладан иқтисодий, ҳатто ахлоқий-этик муаммоларнинг ечимини топишга мажбур эди. Бу муаммолар алоҳида суҳбатга мавзу бўлиши мумкин, шунинг учун батафсил тўхталишга ҳожат йўқ, менимча. Аммо, энг асосий қусур юқори натижалар кўрсатиши талаб этилаётган спортчининг профессионал маҳоратига ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан мақом берилмаганида эди.

— Энди бўлса, бу муаммолар тўнини ўзгартириб иқтисодий кенгликка ўтди. Шундайми?

— Сиз мутлақ ҳақсиз. Шундай бўлсада агар ҳар бир мутахассис ўз ишига виждонан ёндошиб, мавжуд имкониятлардан унумли фойдалана билса оғир иқтисодий аҳвол ҳам маълум ижобий натижаларга эришишга тўсқинлик қилолмайди. Буни «Меҳнат ўринбосарлари» жамоаси мисолида кўришимиз мумкин. Биз мураккаб шарт-шароитларга қарамай оғир атлетика бўйича бир неча истеъдодли спортчиларни тарбиялашга эришдик. Булар Сеул Олимпиадаси совриндори Н. Муҳаммадиёров, жаҳон чемпиони И. Содиқов, ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони А. Манушев.

— Демак, «мавжуд имкониятлардан» тўла фойдаланиб бўлганингиздан сўнггина ягона чора сифатида тадбиркорликка қўл урибсизда?

— Мураббийлик тажрибам ортиб боргани сайин иқтисодий муаммоларни ҳал этиш йўлларини мустақил излаш лозимлигига ишонч ҳосил қила бордим. 1987 йили оғир атлетика федерациясини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ниятида «Потенциал» ширкатини ташкил этдик. Янги корхонанинг оёққа туриш жараёни машаққатлари мени мураббийлик лавозимидан воз кечишга мажбур этди.

— Маълумки, «Потенциал»тор доирадаги ишлаб чиқариш, яъни фақат оғир атлетикага онд анжомлар тайёрлаш билан шуғулланади. Демак, харидорлар доираси ҳам унчалар кенг бўлмайди. Буни англамасликларингиз мумкин эмас эди. Шундай шароитда сизлар тажрибасиз, дастлабки капитали бўлмаган шахслар қандай қилиб йўқ жойда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга жазм этдингизлар?

— Тўғри, ҳаттоки ўнлаб йиллар давомида яхши ишлаб келган корхоналар оғир аҳволга тушиб қолган шароитда бизнинг бу ишга қўл уришимиз таваккалчиликдай туюлади. Аввалданоқ, ўзимиз муҳтож бўлган нарсалар — атлетизм ва шейпингга мўлжалланган махсус анжомлар тайёрлашни мақсад қилиб олгандик. Эски ускуналар билан бўлсада ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб олишга икки йил муҳлат кетди. Моддий жиҳатдан бу соҳа бизга катта манфаат келтиролмаслигини билардик. Лекин қувончлиси шу бўлдики, спорт анжомларимизни харид қилишни истовчилар кўпчиликни ташкил этди. Бу фуқароларимизда соғлом турмуш тарзи томон ижобий силжишлар бўлаётганидан дарак беради.

— Суҳбатимиз аввалида «Потенциал» ширкатини ташкил этишдан асосий мақсад оғир атлетика федерациясини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш дегандингиз. Бунга эриша олдингизми?

— Афсуски, йўқ. Ўзингизга маълум, ҳозирги пайтда ишлаб чиқариш эмас, воситачилик, савдо-сотиқ билан шуғулланаётган ташкилотларнинг ошиғи олчи, ваҳоланки амалда бунинг акси бўлиши керак. Шундай бўлсада хом ашё етишмаслиги, борининг ҳам жуда қимматлиги ортидан корхонамизнинг мавжуд маблағини учма-уч қилиб яшаётганига қарамай атлетизм, оғир атлетика бўйича ўтказилган мусобақаларни ташкил этишга молиявий ёрдам кўрсатдик, спортчиларнинг тайёргарлигига кўмаклашдик, жисмоний тарбия институти олимлари томонидан яратилган тўпламни чоп эттиришга ҳиссамизни қўшдик.

— Демак, «Потенциал» учун ҳомийлик фаолияти ҳам бегона эмас экан-да.

— Кейинги йилларда бизда «ҳомийлик» деган ибора урф бўлиб кетди. Унинг бизнинг шароитдаги кўринишн ҳақиқий маънодаги ҳомийлик эмас, у спортнинг иқтисодий муаммоларини ҳал этолмайди, соғломлаштириш инфраструктурасини қуролмайди. Иқтисодиёти ривож топган давлатларда ҳомийлик-тарғибот унсури, яъни у жамоатчилик фикрини шакллантиради, бозорга таъсир этади, шунинг ортидан тадбиркор капитал орттиради. Бизда эса ҳомийлик — бадавлатларнинг муҳтожларга нисбатан кўрсатаётган хайрия тадбири холос. Яна такрорлайман, бу жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги мавжуд иқтисодий муаммоларни ҳал этишнинг оқилона йўли эмас.

— У ҳолда, сизнингча нима қилмоқ керак?

— Жамият аста-секин янги иқтисодий муносабатларга ўтмоқда. Аслида айнан ишлаб чиқарувчилар саломатлик ва спортга оид муаммоларни ҳал қилишда муҳим ўрин эгалламоқлари лозим. Спортга ажратилган маблағ эртага ўн, ўн беш баробар бўлиб қайтади. Корхоналарда спорт клублари очиш керак, аҳолининг ишлаб чиқариш билан банд қисмини спортга ошно қилиш ҳар бир раҳбарнинг асосий мақсади бўлиши керак.

— Бу тадбирни кенг қўламда амалга ошириш билан ким шуғулланиши лозим?

— Менимча, бу ўринда асосий ҳал қилувчи ролни спорт-соғломлаштиришга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларни бирлаштирувчи ассоциация ўйнаши мумкин. Албатта, бу иш спорт комитетлари, спорт федерациялари вакилларининг фаол иштирокида амалга оширилиши лозим. Чунки бу соҳа ҳозирча маълум даражада бюджет маблағлари ортидан фаолият кўрсатиб келади, ана шу маблағларнинг бошқа жабҳаларга оқиб кетишига йўл қўймаслик, аксинча, уларнинг спорт-саломатлик индустриясининг тикланишига сарфлаш лозим. Спорт, жисмоний тарбия ўзини ўзи моддий жиҳатдан тўла таъминлашга қодир. Бунинг учун вақт керак, холос. Бу борада менимча ҳал қилиб бўлмас тўсиқлар йўқ, фақат ишбилармон, ақли бут, оёғи ерда собит турувчи, соғлом турмуш тарзини кенг ёйиш ғоясига фидойи ташкилотчилар бўлса бас.

Суҳбатдош Шуҳрат АРМОН.



СУРАТЛАРДА: «Потенциал» ширкати спорт анжомлари ишлаб чиқариш цехи ишчиси, тош кўтариш спорти бўйича спорт устаси, республика чемпионати совриндори Григорий Любакин; «Потенциал» ширкатида тайёрланган анжомлар билан жиҳозланган залда машғулотлар қизғин.

Виктор Багаев суратлари.

Билиб қўйган яхши

ХОРАЗМИЙ ДАҲОСИ

ЎНЛИ позицион саноқ тизими Ҳиндистонда вужудга келди. Шунинг учун ҳам ўрта осиёлик буюк олим Муҳаммад ибн ал-Хоразмий, ундан кейин эса ўрта аср математиклари ҳам уни «ҳиндча» саноқ тизими деб аташар эди. Ал-Хоразмийнинг асари туфайли «ҳиндча» арифметика Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида, кейинчалик эса Европада кенг тарқалди.

Бунгача сонларни белгилаш ва ҳисоблашнинг турлича усуллари ишлатилар эди. Масалан, амалий ишларда «қўл» усули кенг қўлланган. Ал-Хоразмийнинг ҳинд арифметикаси ҳақидаги рисоласи вужудга келгандан сўнг математиклар қўлланилган барча усулларни ўзаро таққослай олиш ва улардан қайси бири амалий масалаларни ечиш учун энг қулай эканини аниқлаш имконига эга бўлдилар.

Ал-Хоразмий арифметик рисоласининг асл араб матни йўқотиб юборилган. Бироқ унинг мазмуни бизга XII асрдаёқ қилинган лотинча таржимаси бўйича маълум. Бу даврда Испанияда бир гуруҳ олимлар фаол ишлаган бўлиб, улар Шарқда жуда машҳур бўлган асарларни арабчадан лотин тилига таржима қилишган эди. Улар Шарқ фанининг энг яхши ютуқлари билан Европани таништирмоқчи бўлишган.

Ал-Хоразмийнинг ҳинд арифметикаси ҳақидаги рисоласи математикага оид биринчи асарлар қатори таржима қилинган. Бу асарнинг лотин тилига қилинган таржимасининг ягона қўлёзмаси бизгача етиб келган ва Кембрижда сақланмоқда.

Ал-Хоразмий рисоласи ҳақида янада аниқроқ тасаввур ҳосил қилиш учун олимлар XII асрда ёзилган яна иккита лотинча асарни, яъни Магистр А. томонидан тузилган «Ал-Хоразмийнинг астрономик санъатга кириш китоби» ва «Ал-Хоразмийнинг арифметика амалиёти китоби» қўлёзмасини ўрганиб чиқдилар. Бу асарларнинг биринчисини тахминан 1120-1130 йилларда яшаган таниқли таржимон Аделардга, иккинчиси XII асрнинг иккинчи ярмида яшаган толедолик таниқли олим Иоан Испанскийга нисбатан берилади. Бу асарларда ал-Хоразмий асарининг тўла баёни берилган бўлиб, у ифодалаган қоидалар кўпгина мисолларда тушунтирилган.

Азиз АЛИЕВ.

Наботот оламида

ТУРКУМ ДАРМОНДОРИЛАР

ЎСИМЛИКЛАРГИНА кўпчилик дармондориларни синтез қилиш хусусиятига эгадир. Инсон бу туркум дармондориларни кундалик овқатларда тайёр ҳолда истеъмол қилиб, ўзлаштиради ва турли орган тўқималарига тўплайди. Ҳаёт тараққиёти жараёнида бу дармондорилар парчаланади ва уларнинг ўрнини янги қабул қилинганлари билан тўлдиради. Шунинг учун организм узлуксиз равишда таъминланиши лозим. А, В, B_1, B_2, С, Д, Е, К, Р дармондорилари организмни турли касалликлардан сақлашда, хасталикларга бўлган қаршилигини оширишда, яра ва жароҳатларни тез битишида, организмнинг тез толиқиши олдини олишда катта аҳамиятга эгадир. Дармондорилар ўсимликнинг турли органларида турлича бўлиши билан бирга, уларнинг ҳолатига, турига ҳам боғлиқдир. Наъматак, чаканда, газандаўт, қоқиўт, ергой, чойўти, исмалоқ, ялпиз, алқорўт, ерқалампир, отқулоқ каби ўсимликларни ўзига хос яшил хазина деб аташ мумкин. Наъматак ўсимлигининг меваси, айниқса, С дармондорига (аскорбин кислотаси 17 фоизгача) ниҳоятда бой. Бу борада ўнга тенг келадиган бирор бир ўсимлик топилиши қийин. Унда дармондори пиёз, саримсоқларга нисбатан 8 — 10 марта кўпдир. Наъматак меваси турли мақсадларда — тиббиёт ва озиқ-овқат саноатларида кенг қўлланилади. Шунинг учун ҳам мактаб ва боғча ҳовлиларида кўплаб манзарали ўсимликлар сифатида экилган наъматак меваларини ширин, шифобахш компотлар тайёрлаш учун қўллаш мақсадга мувофиқдир. Мева қуритилганда ҳам ўзининг шифобахшлик хусусиятини йўқотмайди.

Газандаўт (крапива) — кенг тарқалган ўсимликлардан биридир. У С дармондорига бой. Газандаўт таркибида турли микроэлементлар — мис, темир, марганец, турли фотонцидлар, хлорофилл, органик кислоталар, ошловчи моддалар ҳам мавжуд. Шунинг учун газандаўт тиббиётда гиповитаминоз, ошқозон, ўпка, қон кетиш, диалет (қанд) касалликларини даволашда кенг қўлланилади. Шарбати эса организмдаги модда алмашинувини, овқат ҳазм бўлишини яхшилайди ва турли органлар ишини фаоллаштиради. Шунинг учун ҳам дармондориларга бой бўлган газандаўтнинг ёш поясини, барра барглларини турли таомларга қўшиб, салатлар қилиб истеъмол қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу кўкатларни иссиқ таомларга сузиш олдидан солган маъқулроқдир. Чунки бунда физиологик фаол модлалар, дармондорилар ўз табиий ҳолатини кўпроқ сақлаб қолади. Газандаўтнинг ёш барглари ва новдалари эҳтиёткорлик билан қайчи ёки ўроқ билан кесилади, бироз тургач (сўлигач), бемалол қўл билан йиғиштириб олиш мумкин.

Қоқиўтни ҳам ўрта баҳорда дармондорили кўкатлар сифатида ишлатиш инсон организми учун ниҳоятда фойдалидир. Қоқиўт Франция, Швейцария, Япония ва Ҳиндистонда жуда кенг қўлланиладиган дармондорили озиқ-овқат ўсимликларидан бири ҳисобланади. Ўсимлик барг ва илдизида 50 фоизгача С, ҳамда В дармондори учрайди. Тиббиётда кўкрак оғриғи, камқонлик, дармонсизлик, жигар, ошқозон касалликларини даволашда кенг қўлланилади. Қоқиўтнинг барги, илдизи ва гул ғунчалари истеъмол қилинади. Унинг барра барглариданошқўк, гўштли ва балиқли овқатлар учун сардаклар тайёрланади. Ошқўк тайёрлаш учун 100 г барра қоқиўт баргини бироз шўр сувга солиб қўйилади, сўнгра қуритиб тўғралади. 1 қошиқ қаймоқ ёки майонез ва туз солиб яхшилаб аралаштирилади. Қоқиўтнинг илдизини духовкада қўнғир рангга киргунча қуритиб, майдалаб, сўнг дамлама сифатида қўллаш ҳам мумкин. Дармондориларнинг бузилиши асосан ҳароратга ва сақлаш муддатига ҳам боғлиқдир. Масалан, баҳоргача сақланган мевалардаги дармондори С ўртача ярмига камаяди. Исмалоқ 4 соат сақланса 20 фоиз, отқулоқ эса 24 соатда 45 фоиз дармондорини йўқотади.

Майдаланган қўкатлар таркибида дармондорилар ниҳоятда тез йўқолади. Ҳарорат қанча юқори бўлса, улар шунча тез қамаяди, чунки ҳарорат кимёвий жараёнларни тезлатади. Музлаган кўкат ва мевалардаги дармондорилар тез парчаланиб кетади, қуёш нури ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун турли мева ва кўкатларни қуёш нури тушмайдиган ҳарорат +1 — +3 даража бўлган хоналардагина сақлаш мақсадга мувофиқдир.

Б. МАЖИТОВ,
С. Раҳимов туманидаги 100-махсус мактаб интернатнинг биология ўқитувчиси.

Хоҳ ишонинг, хоҳ...

● ТУХУМНИ тешиб, ичидаги моддасини тўкиб, ичини шабнам билан тўлдириб, тешиги яна беркитиб қўйилади. Сўнгра офтоб иссиғига қўйилса, иссиқ таъсир қила бошлагач, тухум ҳавога кўтарила бошлайди.

● ҚОҒОЗНИ шабнам билан намлаб, офтобга қўйилади ва бироз кутиб турилади. Шунда қоғоз ҳавога кўтарилади.

● АГАР балиқ ёғи уч кун офтобга қўйилса, сўнг ўша ёғ билан нимаики ёзилса сариқ рангда бўлади.

● ДОЛЧИННИ янчиб, хамирга солиб, нон пиширилса ва итга берилса ит ейиши биланоқ рақсга туша бошлайди.

● АГАР хўрознинг боши ғарбга қаратиб қўйилса қичқирмайди. Агар эшакнинг орқаси ғарбга қаратиб қўйилса ҳангламайди. Агар отни худди шу ҳолатда қўйилса югуролмай қолади.

● КИМКИ ҳалила еб юришни одат қилса унинг соқоли ҳеч вақт оқармайди.

● АГАР араб елимини эритиб қўлга сурилса ва оловни ушласа қўл куймайди.

● АГАР сутга озгина новшадил қўшиб, оқ қоғозга суртилса, сўнгра оловга тутиб қиздирилса қора бўлиб кўринади. Агар пиёз суви билан ёзилса ва оловда қиздирилса яшил хат бўлиб кўринади. Тоза сут билан ёзилса ва оловга яқинлаштирилса сариқ хат кўринади.

«Хавосул-ашё»дан Баҳром ЗИЁЕВ тайёрлаган.

ОҚШОМХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Тошкент оқшоми» газетасининг навбатдаги сони 28 октябрда чиқади.

Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРАТ ЖАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ҚАДРЛИ ДЎСТЛАР!

РАА ЎЗБЕКИСТОН "ПАРК" НМК РЕСПУБЛИКАСИ

Ўзбекистон ҳудудида намойиш этиладиган барча телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар ҳақида олдиндан батафсил маълумот бериб борувчи республикадаги ягона нашр -

"ТОШКЕНТДАН ГАПИРАМИЗ ВА КЎРСАТАМИЗ"га 1994 йил учун ОБУНА ДАВОМ ЭТМОКДА.

ОБУНА БАҲОСИ:
1 ойга - 270 сўм,
3 ойга - 810 сўм,
6 ойга - 1 620 сўм,
12 ойга - 3 240 сўм.

Нашр кўрсаткичи - 75490

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ТАЪТИЛ КУНЛАРИДА

«ТОШКЕНТ-САЙЁҲ» САЙЁҲЛИК АГЕНТЛИГИ БОЛАЛАРНИ

— САМАРҚАНД, БУХОРО, ҚУҚОН, АЛМАТИ, ЧИМКЕНТ шаҳарлари бўйлаб,

— бизнинг пойтахтимиз ҳамда унинг қадимий ва навқирон кўчалари бўйлаб

МАРОҚЛИ САЁҲАТГА ЧОРЛАЙДИ

БУ САЁҲАТ БОЛАЛАРГА ЎЗ ШАҲРИНИ ЯХШИРОҚ БИЛИБ ОЛИШДА ҚЎМАКЛАШАДИ, УЛАРНИ ТОШКЕНТНИНГ ЎТМИШИ ВА БУГУНГИ КУНИ БИЛАН ТАНИШТИРАДИ.

— БУНДАН ТАШҚАРИ КУЗГИ ЧИМЕН ЕНБАҒИРЛАРИГА ҲАМ САЁҲАТГА ЧИҚИШИНГИЗ МУМКИН.

Оммавий талабномалар қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 69 «а» уй, «Пахтакор» метро бекати, «Тошкент-сайёҳ» сайёҳлик агентлиги, 14-хона. Телефон: 44-10-88.

3-ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ ТРАМВАЙ, ТРОЛЛЕЙБУС ҲАЙДОВЧИЛАРИ, КОНДУКТОРЛАРИ ВА ҲАРАКАТ ТАРКИБИНИ СОЗЛАШ БЎЙИЧА ЧИЛАНГАРЛАРНИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

трамвай ҳайдовчиларига — 72.000 СЎМ;
троллейбус ҳайдовчиларига — 87.000 СЎМ;
кондукторларга — 38.000 СЎМ;

ҳаракат таркибини созлаш бўйича чилангарларга — 66.000 СЎМ ЎРТАЧА ОЙЛИК МАОШ БЕРИЛАДИ.

Шунингдек, танлов асосида ЕТАКЧИ ЮРИСТ-КОНСУЛЬТ (маоши 44.955 сўм) **ва БУХГАЛТЕР** (маоши 41.040 сўм) **ишга таклиф қилинади. Уларга ҳар ойда 75 фоиз мукофот берилади.**

ТРАМВАЙ ВА ТРОЛЛЕЙБУС ҲАЙДОВЧИЛИК КАСБИНИ ЭГАЛЛАШНИ ХОҲЛОВЧИЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛГАН ҲОЛДА

КУРСЛАРГА ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИЛАР

трамвай ҳайдовчилари тайёрлаш курсларига 20 ёшга тўлганлар,

троллейбус ҳайдовчилари курсларига 21 ёшга тўлганлар қабул қилинади.

Трамвай ҳайдовчиларининг ўқиш муддати — 5 ОЙ;

троллейбус ҳайдовчиларининг ўқиш муддати — 6 ОЙ. ЎҚИШ 23-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқувчиларга ойига 17.040 сўм миқдорида стипендия ва электр транспортларда бепул юриш учун гувоҳнома берилади.

Трамвай ва троллейбус ҳайдовчилари, шунингдек кондукторлар дам олиш уйларига ва соғломлаштириш оромгоҳига йўлланмалар ва ширкат уйлари билан таъминланадилар.

Ҳайдовчиларнинг фарзандлари мактаб ёшигача бўлган муассасаларда, ёзги пайтларда эса «Орлёнок» лагерида дам оладилар,

Депо ҳудудида сузиш ҳавзаси, дам олиш хонаси, сауна, жисмоний тарбия комплекслари мавжуд.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 3-ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ (Собиқ «Красновосточное») Темур Малик кўчаси, 3-уй. Телефон: 63-28-97.

23-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ: Темур Малик кўчаси, 3-уй. Телефон — 63-38-93.

ЎРТА ОСИЁ ТЕМИР ЙЎЛИ
келишилган нархда ва сервис хизмати кафолати билан
МАГИСТРАЛ ВА КИЧИК ТЕПЛОВОЗЛАРНИ
СОТАДИ

Бизнинг манзилгоҳ: 700060, Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 7-уй. Ўрта Осиё темир йўли бошқармасининг локомотив хўжалиги хизмати, 309-хона (1, 2, 3, 5, 28, 13-трамвайларнинг «Санъат музейи», 1, 8, 10, 20-троллейбуслар, 25-автобуснинг «Қурилиш вазирлиги» бекатлари).

Мурожаат учун телефонлар: 32-45-50, 32-45-00, 32-45-03.

Ижара пудратидаги 20-дўконга берилган 1048839 дан 1048850 гача рақамли фойдаланилмаган чеклари бўлган 441722201-рақамли йўқолган
ЧЕК ДАФТАРЧАСИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ХУСУСИЙ ЭЪЛОНЛАР

Ёзув қоғози сотилади. Телефон — 33-34-64.

Собир Раҳимов туманидаги «ГУЛНОЗА» кичик корхонаси ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: С. Раҳимов тумани, Ўрозбоев кўчаси, «Қорақамиш» бозори.

Тошкент фармацевтика институти жамоаси шу институт биологик кимё кафедрасининг катта ўқитувчиси А. Йўлдошевга онаси
Рихси ая ҚОСИМОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент оқшоми

МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида рўйхатга олинган. Рўйхат сони — 660101.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Ҳажми — 2 босма табоқ.
Офсет. Қоғоз бичими А — 2
Нашр кўрсаткичи 64690.

■ Босмага бериш вақти 11.30 ■ Босмага берилди 11.30. Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6
Буюртма Г—588. 17.229 нусхада.